

Ўзбекистоннинг янги уйғониш даврини яратишга киришган эканмиз, ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгида ана шундай маънавият шуъласи порлаши ва у бизни эзгу ишларга ундаб, юксак масъулият туйғуси билан яшашга даъват этиб туриши зарур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O'zingni angla!



# Hurriyat

Mustaqil gazeta


2024-yil  
1-may  
chorshanba  
№ 18 (1393)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan \* www.uzhurriyat.uz \* @ gazhurriyat@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* Hurriyat gazetasi

## ТУРИЗМ

### СИНГАПУРДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁХЛИК САЛОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ ЎТКАЗИЛДИ

Йил охиригача Сингапурдан Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларига тўғридан-тўғри чартер рейсларини ташкил этиш тўғрисида келишиб олинди



Сингапур томонининг алоҳида эътибори Ўзбекистоннинг тарихий, маданий, зиёрат, қишки, гастрономик ва ишбилармонлик туризми имкониятларига қаратилди.

Ўзбекистон санъат усталари ижросидаги мумтоз ўзбек куй ва кўшиқлари ҳамда рақслар иштирокчиларга бетакрор ўзбек миллий маданиятини ҳис қилиш имкониятини тақдим этди.

Роуд-шоу тақдими довомида, шунингдек, икки давлат сайёҳлик ком-

паниялари вакиллари ўртасида В2В шаклидаги музокаралар ўтказилди. Музокаралар натижасида сингапурлик сайёҳлар учун Ўзбекистонга янги турларни ташкил этиш бўйича аниқ келишувларга эришилди. Шунингдек, йил охиригача Сингапурдан Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларига тўғридан-тўғри чартер рейсларини ташкил этиш тўғрисида келишиб олинди.

“Дунё” АА



Сингапурда “Ўзбекистон: цивилизациялар чорраҳаси” деб номланган кенг кўламли роуд-шоу тақдими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг янги сайёҳлик дастурлари намойиш этилган тадбир Ўзбекистон Туризм қўмитаси, Миллий PR маркази ва юртимиздаги етакчи сайёҳлик компаниялари томонидан уюштирилди. Унда Сингапур сайёҳлик соҳасининг 60 дан зиёд вакиллари, жумладан, туризмни тарғиб қилиш ва ислом туризмга ихтисослашган ташкилотлар, етакчи туроператорлар ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

## УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН



### ТАРҒИБОТДА ТАФАККУР БОР

Кейинги йилларда мамлакатимизда китоб тарғиботи ва китобхонликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг тўртинчиси сифатида ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш белгиланиши бу борадаги ишларни янада жадаллаштирди.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги қарори билан “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури” тасдиқланди. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” да эса аҳолига ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни янада ривожлантириш, китобхонликни кенг оммалаштириш ҳамда “Китобсевар миллат” умуммиллий ғоясини рўйга чиқариш алоҳида вазифа сифатида белгиланди.

Мазкур вазифалар ижроси доирасида жорий йилнинг 22-26 апрель кунлари мамлакатимизда анъанавий IV республика “Китобхонлик ҳафталиги” ўтказилди.

22 апрель куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мазкур тадбирнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда АОКА, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ахборот-кутубхона марказлари мутасаддилари, китобхонлар, кенг жамоатчилик ва ОАВ вакиллари қатнашдилар.

4-6

## ИЖОДИЙ САЁҲАТ

### ОЗАРБАЙЖОНГА САФАР ТААССУРОТЛАРИ



20.04.2024 йил. Озарбайжон вақти билан соат 09:30. Боку халқаро аэропортида. Юлқаримизни олгач, ушбу маскан худудини айланган киши бўлдик. Айни паллада кутилмаган ҳолат рўй берди: шу ерда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Азамат Зиё билан учрашиб қолдик. Қисқа суҳбатлашдик, суратга тушишга ҳам улгурдик, айтишича, Бокуга иш юзасидан келган экан.

...Бир мuddат ўтиб, халқаро роуминг хизматида уланган телефонимга кўнғироқ бўлди. Мулоқотга киришим билан Озарбайжон Матбуот кенгаши бошқаруви аъзоси, “Azbeber.com” интернет нашри бош муҳаррири Ҳажибей Ҳайдарли бизни кутиб олишга чиқганини айтди. Шу тариха ижодий гуруҳимиз,

Уюшмамиз аъзолари – “Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари таҳририяти бош муҳаррири Хусан Эрматов, “Тонг юлдузи” газетаси бош муҳаррири Феруза Одилова, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Халқаро ахборот таҳририяти шарҳловчиси Азиза Алимова, шунингдек, “Ishonch.uz” интернет нашри фотомухбири Қувончбек Тўраев билан машина-

ларга ўтириб йўлга тушдик. Билдикки, аэропорт шаҳардан анча четда жойлашган.

Шаҳарга кириб борар эканмиз, қад ростлаб турган биноларнинг, аҳоли яшайдиган кўп қаватли уйларнинг ўзига хос архитектура асосида қурилгани, уйларнинг деразаларида давлат байроғининг осиб қўйилгани эътиборимизни тортиди.

Барчамизга маълумки, кейинги йилларда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги дипломатик муносабатлар янги босқичга кўтарилди.

5-6

## МУШОҲАДА



### БОЛАЛАР ЎЗ НАШРЛАРИНИ ЎҚИЯПМИ?

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев йиғилишларнинг бирида куюниб айтган қўйдаги гаплари тез-тез ёдга тушади: “Фарзандларимизни телефон “тарбия” қиляпти”. Яна: “Биз мажбурий обунани деб ихтиёр обунани ҳам йўқ қилдик”.

Дарҳақиқат, оғриқли гаплар. Бор гаплар. Бугун қўлига ақалли бир бора китоб ушлаб қўрмаган, газета-журнал — дея гап очсанг энсаси қотадиган кишиларни қўя турайлик, бундайлар катта-кичик амалдорлар орасида ҳам учраётгани юракни оғритади. “Газета-журнал нимага керак, мана телефон бор-ку?”

Шукри, Юртбошимиз раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳаларга жуда катта эътибор, ғамхўрликлар қилинаётгани, китобхонликка рағбат учун жуда катта ишлар рўйга чиқарилаётгани сир эмас. Аммо оғриқли мавзулигича қолаётган масалалардан бири бу барибир кўпгина матбуот нашрларининг халқимизга етиб бормаётганидир. Албатта, қўллаб-қувватланаётган нашрлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг ададлари ҳам ярашқили. Бироқ мамлакатимизда ҳар бир хонадонда, маҳаллада, идорада бўлиши лозим бўлган шундай нашрлар ҳам борки, уларнинг номини келтириб ўтирмасак ҳам ўзини зиёли деб атайдиган кишилар яши билмишса керак.

3-6

## ҚУТЛОВ ЎРНИДА

### УСТОЗЛАРНИНГ УСТОЗИ

У ҳеч қачон ичидиганини ташига чиқармаган.

Унинг бирор марта асабий ё жигибийрон бўлиб юрганини кўрмаганимиз, десак ишонаверинг.

Пойтахтдаги катта-кичик машваратлар, зиёли, ижодкорлар давраси у кишига ўтмайди.

Ва ҳеч қачон бировнинг ортидан ғийбат қилганини эслолмаймиз. Яна...



Ким бўлдикиан ўзи бу одам деб уйлаласизми?

Шерзод Фуломовни танимасизми?

Ҳа, ўша — Ўзбекистон халқ езувчиси, ўнлаб асарлари билан халқимиз меҳрини қозонган ва “Эҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди” дея армон билан қўйлаб ўтган атоқли адиб Ҳамид Фуломнинг суюкли фарзанди.

Ана энди устозимиз ҳақида батафсил сўз айтмоқдан аввал бўлмиш бир ҳаётий мисолни келтирмоқчи лозим топдик.

Биз минг йилдан бери таълим, билганимиз, ўзи ҳам табарруқ ёшга кирган инсон Тошкентдаги қадим “Тешикқоққоқ” қабристонидан абадий кўним толган падари бузруквори ва

навқирон ёшида дунёдан ўтган жигаргўшаси, истеъодли шарқшунос олим Фарҳоджон ҳамда роппа-роса бир асрдан кўпроқ бахтли, саодатли умрни яшаб, 2021 йил охират сафарига кулдатганимиз Шерзод аканинг волидаи муҳтарамалари Манзура ая (1920 йилда таваллуд толган экан) мизнинг муборак қабрларини ҳар ҳафта зиёрат қилмоққа чоғланади. Ҳафсала билан хилхона атрофини ўт-ўландан тозалайди, ян-яшил бўлиб очилиб ётган гулларни сугориб чиқади ва охишта овозда Қуръони каримдан билган сураларини ўқийди. Нурли кўзлари ёшланади.

4-6



ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

# ДАЛАДАГИ ФОЖИА

## ёки туман ҳокимлигидаги “ўйин” лар

2024 йил 12 апрель куни соат 23 ларда Оҳангарон туманида кўнгилсиз воқеа юз берди: “Х-Фарус” фермер хўжалигининг иш бошқарувчиси Тоҳир Сағдиев далада ер ҳайдаётган жойга қўрилган кайфи тарок, қоғоғидан қор ёғиб турган уч-тўрт киши қайқандир келишди. Тоҳир уларнинг бирини — Абдулазиз Маҳсуловни яхши танир, у бир неча йил олдин шу фермер хўжалигида иш бошқарувчи бўлиб ишлаган, айрим қонунга хилоф ишларни содир қилганлиги ошқор бўлган, фермер томонидан ишдан бўшатилиб, унинг ўрнига Тоҳир иш бошқарувчи этиб тайинланганди.

Тоҳир ўз вазифасидан келиб чиқиб 2023 йил сентябрь ойда бугдой экиш ташвишлари билан юрган пайтда Абдулазиз уни чақиртирган ва ўзининг бир гуруҳ шериклари олдида Тоҳирга: “Сен бу фермерда ишлама, гапимизга кирмасдан ишингни давом эттиргудай бўлсанг...” — деб таҳдид қилган, унинг гапини шериклари ҳам пўписиз қилганди.

Тоҳир Абдулазизнинг дағдағаси ҳақида фермерга маълум қилди. У туман ИИБ раҳбари номига куйидаги аризани берди: “Мен “Х-Фарус” фермер хўжалиги раҳбари муқаддам менда ишлаган Маҳсулов А. ни ишдан бўшатиб, унинг ўрнига Сағдиев Тоҳирни ишга олган эдим. Маҳсулов А. ўзининг жиноий зурури билан 2024 йил ҳосили учун бугдой экишга тўққунлик қилиб, 2023 йил 19 сентябрь кунини Сағдиев Т. ни кўчага қақириб, фермер хўжалигида ишламаслигини, бугдой экишга ёрдам бермай, уйда ўтиришни талаб қилиб, акс ҳолда, ўзига ва оила аъзоларига тан жароҳати etkazишлари мумкинлигини айтиб, фермер хўжалигида ишламаслигини талаб қилган...”

Ички ишлар бўлимида фермернинг аризасига ўз вақтида эътибор бериб, Абдулазизни тартибга қақирганларида, балки, фожиа юз бермасиди?

Гапнинг индаллосини айтдиغان бўлсақ, фермернинг хати эътиборсиз қолдирилганидан фойдаланган Маҳсулов Абдулазиз ўзининг танишлари билан Тоҳирнинг адабини бериш учун далага келган эди.

— Сенга биз бу ишни қилмаганим, деб огоҳланганим эдик. Аммо сен бизнинг тақдиримизни қабул қилмадинг. Энди ўзингдан кўр! — дея уни аямай дўппослай бошлашди. Тоҳир юз-кўзларига ташаётган мушт ва тепкилар зарбидан ҳўшдан кетиб ерга йиқилди.

Абдулазиз ва унинг шерикларига бу камлик қилгандай, Тоҳир далага миниб келган “Дамас” русумли машинасига ва фермерга қарашли дала шийпонига ўт қўйиб кетишди.

Яхши одамлар бор экан, Тоҳирга ёрдам кўрсатишди ва уни бир амаллаб уйига, сўнг Оҳангаронга қасалхонага олиб боришди. У ерда Тоҳирга биринчи ёрдам кўрсатилиб, юз берган жиноят ҳақида ички ишлар идорасига хабар берилди. Тоҳирнинг аҳволи оғир бўлгани учун отаси — Тўлқин Сағдиев ўғлини “Эски Тош-МИ”га ётқизди. Бу ерда унинг миёси чайқалганлиги, жағ суяги синиб жойидан силжиганлиги аниқланиб, мураккаб жарроҳлик операцияси ўтказилди...

**ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛИШИНING САБАБИ ҚАЕРДА?**  
Бу саволга фермер Рустам Тўлағанов шундай жавоб берди: “2019 йилда Абдулазиз Маҳсуловни дастлаб иш бошқарувчи, кейин эса унинг қоп-қоп ваъдаларига ишониб, ижрочи директор қўйиб тайинладим, менинг номимдан имзо қўйсин деб фермер хўжалигининг муҳрларини ҳам бергандим. Лекин у ишларни талаб даражасида

олиб боришни эмас, менга тегишли фермер хўжалигини ўз номига ўтказиб олиш учун Оҳангарон туман қишлоқ хўжалиги бўлим бошлиғи Жавлон Юсупалиев, туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосари Тўлқин Тўраев ҳамда туман ҳокими А.Абдуллаев (ҳозирги собиқ) билан жиноий тил бириктириб, менинг номимдан “...нафақа ёшига етганим учун фермер хўжалигини ўз ихтиёрим билан Абдулазиз Маҳсуловга топшираман” деган қалбаки ариза ҳамда фермер хўжалиги аъзоларининг бўлмаган умумий йиғилишини бўлган деб қалбаки баённома тайёрлаб, Жавлон Юсупалиевга топширган ва шу асосда 2021 йил 21 декабрда туман ҳокимининг қарори, таъкидлаб айтаман, қалбаки қарори асосида менга тегишли фермер хўжалигини ўзининг номига ўтказиб олибди...”

Уша туман ҳокими томонидан чиқарилган ҳужжатнинг қарор қисмини биргаллашиб ўқиймиз:

“1. “Х-ФАРУС” фермер хўжалиги раҳбари Тўлағанов Рустам Мухсимовичнинг нафақа ёшида бўлганлигини инобатга олиб, фермер хўжалиги раҳбари этиб, фермер хўжалиги бошқарувчиси Маҳсулов Абдулазиз Гуломжонович сайланганлиги тўғрисидаги фермер хўжалиги аъзоларининг 2021 йил 1 декабрдаги 1-сон йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. “Х-ФАРУС” фермер хўжалигининг 2021 йил 1 декабрдаги 1-сонли буйруғига асосан, Маҳсулов Абдулазиз Гуломжонович фермер хўжалиги раҳбари этиб сайланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Х-ФАРУС” фермер хўжалиги раҳбари А. Маҳсулов маъмур қарорга асосан, белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда зарур ҳужжатларни туманининг тегишли бўлимларида қайта рўйхатдан ўтказиш чораларини кўрсин.

4. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Т.Тўраев зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими А. Абдуллаев”**

Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганларидек, 2023 йилга келиб бу қинғир ишнинг қийғи 40 йилда эмас, тезда чиқди. Фермер хўжалиги раҳбари Рустам Тўлағанов томонидан туман ҳокимининг қарорини бекор қилишни сўраб маъмурий судга ёзилган ариза 2024 йил 9 январда Нурафшон туманлараро маъмурий судида тегишли тартибда кўриб чиқилди ва туман ҳокимининг қалбаки қарори бекор қилинди. Натияжада нафақат Абдулазиз Маҳсуловнинг, балки Оҳангарон туман ҳокимлигидаги маъмур раҳбарларнинг “ўйин”лари ҳам кўпчиликка ошқор бўлди.

Абдулазиз Маҳсуловнинг фермер хўжалигини эгаллаб олишга қаратилган ҳаракатлари фoш бўлганидан кейин, у ўзининг жиноий шериклари билан фермер хўжалигига зарар etkazиш мақсадига сув чиқарадиган насоснинг муҳим қисмларини ўғирлаб, насосни ишдан чиқарди, бу камлик қилгандай, сув қувурларини ҳам ўғирлаб олиб кетиб, фермерни экинларни суғориш имкониятидан маҳрум қилишга уринди. Абдулазиз Маҳсуловнинг ўғирликлари юзасидан фермер Рустам Тўлағанов Ички ишлар бошқармаси бошлиғи номига ариза ёзиб топширди. Куйида шу аризадан бир парча:

“Маҳсулов А. ўз ҳамтововқлари билан бир гуруҳ бўлиб 2023 йил 1 ноябрь кунини кечаси фермер хўжалигига яширин равишда кирди ва электр трансформаторнинг бир қатор қисмла-

рини ҳамда электр энергиясини автомат улагич ва кабель симларини ҳамда сув қувурларини ўғирлади ва бу билан бугдойларни суғориш имкониятидан маҳрум қилиб, фермер хўжалигига катта зарар etkazи...”. Ички ишлар бўлими фермернинг бу аризасини ҳам эътиборсиз қолдирди. Куйида ИИБ терговчиси Ф.Н.Ҳалқулов томонидан тайёрланган “Тўлланган ҳужжатларни жиноят ишига бирлаштириш тўғрисида”ги тергов ишидан куйидаги-ларни ўқиймиз:

“2024 йил 12 апрель куни соат 20.00 лар атофиди 12.04.1984 йилда туғилган, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Янги ҳаёт МФЙ, Ҳамза кўчаси, рақамсиз уйда яшовчи, Маҳсулов Абдулазиз Гуломжонович Оҳангарон тумани, Ғаллақудуқ маҳалласида жойлашган очиқ дала майдониди 11.08.1979 йилда туғилган, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Янгиҳаёт МФЙ, Бирлик кўчаси, 19-уйда яшовчи, Сағдиев Тоҳир Тўлқинович билан ўзаро жанжаллашиб қолиб, Т.Т.Сағдиевнинг танасининг турли жойларига кўли билан уриб тан жароҳати etkazишга аниқланди...”

Бу ерда воқеа анчагина соддалаштирилган, Т.Т. Сағдиевни Маҳсулов А. бир ўзи эмас, жиноий гуруҳ билан биргаллашиб уриб тан жароҳати etkazишга, бундан ташқари, улар Т.Т.Сағдиевнинг “Дамас” русумли машинасига ва фермер хўжалигининг дала шийпонига ўт қўйиб юборганликларига доир фактлар ҳамда Абдулазиз Маҳсулов ва унинг жиноий шериклари томонидан электр трансформаторнинг бир қатор қисмлари ҳамда электр энергиясини автомат улагич ва кабель симларини, шунингдек, сув қувурларини ўғирлаганиликлари ИИБ терговчиси Ф.Н.Ҳалқуловнинг қарориди нима учундир тилга олинмаган.

Қизик, нима учун? Бунинг қандай сабаби бор?

Бу саволлар ўз жавобини кутади.

Умуман олганда, Тоҳир Сағдиевга тан жароҳати etkazишган А.Маҳсулов бошчилигидаги жиноий гуруҳ қилмишига яраша жазоланиши, шунингдек, А.Маҳсулов ва жиноий шериклари томонидан ўғирлаб кетилган фермер хўжалиги мулки бўлган трансформаторнинг зарур қисмлари ҳамда қувурлар қисқа муддатларда эгасига қайтарилиши ва А.Маҳсулов бошчилигидаги жиноий гуруҳ қошида белгиланган тартибга жавобгарликка тортилиши керак эмасми?

Яна бир гап. Фермерга тегишли ер майдонини бирровдан олиш ва уни қарор чиқариб бошқара бериш ваколати туман ҳокими ваколатидан чиқарилганлиги анча бўлган. Шунинг учун ҳам юқориди биз ўқиган қарор қалбаки қарор деб ҳисобланади. Шундай экан, уни чиқарган туман ҳокими, унинг ўринбосари ва бўлим бошлиғи қарорни ғараз мақсадларда, яъни ўз манфаатларини ўйлаб қалбакилаштирилган. Туман ҳокими А.Абдуллаев, туман ҳокимининг ўринбосари Т.Тўраев, туман қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи Ж.Юсупалиевлар айна шу қинғир ишлари бўйича эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддасида ҳужжатларни қалбакилаштиришга қарши жиноий жазо чоралари кўрсатилган. Демак, бу ишда қонунни оёқ ости қилган кимсаларга тегишли тартибда жазо муқаррарлиги белгиланса, ажаб эмас.

Шоҳруҳ АКБАРОВ,  
иккинчи даражали адлия маслаҳатчиси,  
хўқуқшунос-журналист.



## МАЪРИФАТ ЁГДУСИДА

Зиёлилар фаолияти ҳар кун, ҳар лаҳза маърифат нурига айланиши шарт. “Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилишини изоҳлашга ҳожат бўлмас керак. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университетининг Бухоро табиий ресурсларни бошқаруш институтида бу тадбирга алоҳида ҳозирлик кўрилди. Талабаларимиз, асосан, ирригация ва қишлоқ хўжалиги йўналишида тахсил олсалар-да, бадий адабиётга қанчалик ошно эканиликларини, турли асарларни қизиқиш билан мутолаа қилишларини намойиш этмоқдалар.

Пойтахтимиздан ташриф буюрган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Сувон Мели, Тўлқин Эшбек ва Исролжон Қўчқоров институтиимиз мутасаддилари билан биргаллашда эрта тондан, аввало, Олот, Ғиждувон, Вобкент туманларидаги қатор мактабларга йўл олдилар. Бу масканларда ҳам “Маърифат улашиб” лойиҳаси доирасида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди, албатта.

Куннинг иккинчи ярмида институт катта залида ташкил этилган тадбирда талабалар фаол иштирок этдилар. Улар адабиётимизда ёрқин из қолдирган Мир Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Муқимий, Завкий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Гулом, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев, Оқилжон Хусан, Тоғай Мурод, Муҳаммад Юсуф каби атоқли ёзувчи-шоирларнинг бетақор асарлари ҳақида сермазмун суҳбатларни мароқ билан тингладилар.

— Китобга ошно инсон маънан етук бўлади, — деди адиб ва шоир Тўлқин Эшбек. — Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаганидек, “Китоб ўқиган, ўзининг устида ишлаган одамда қанот бўлади. У бекфарқ бўлмайди. Унинг кучи билимда бўлади. Мана, нима учун китоб ўқинглар деймиз. Китоб ўқисангиз, тафаккурингиз ошади, дунёқарашингиз янада кенгайди”.

Она тилимиз жиллоларини атоқли адиб Пиримқул Қодировнинг “Тил ва эл” илмий дидакти ва шоир Эркин Воҳидовнинг “Сўз латофати” китобидан ўқиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Истиқлол йилларида юртимизда бетақор маънавиятимиз ҳақида энг ёрқин ва теран фикр-мулоҳазалар ана шу асарларда ўз ифодасини топган. Бу асарларни том маънода замонамиз маънавиятининг гултоғи десак арийдим. Маънавий бойликларимизни асраб-авайлаш ва ёш авлод қалбига жо этиш учун, аввало, уларнинг мазмун-моҳиятини теран англамоқ зарур. Бу асарни қанчалик чуқур ўргансангиз, шу қадар маънавий юксалишга эришаварсиз. Асарлар довомида миллий қадриятларимиз, бебаҳо маънавий бойликларимизни асраш ҳамда ривожлантиришда адабиёт, айниқса, халқ оғзаки ижоди-нинг ўрни жуда катта бўлган. Эртақлар, дostonлар замирида, асосан, миллий ўзлигини ифода этувчи, қадриятларимизни қадрловчи ғоялар мужассам эканини изоҳлашга ҳожат йўқ. Ўзбек халқ мақоллари ҳам битмас-туганмас маънавий хазина ҳисобланади. Ана шу мақоллар ҳақида сўз юритганда, аввало, тегишли манбалар билан танишиб, сўнг асосли гапириш мақсадга мувофиқдир.

Миллий тафаккуримиз хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилаётган, бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг энг муҳим устувор йўналишларини ўзида мужассам этаётган китоблар биз учун, аввало, янги ва яқин тарихимизнинг ҳали биз тўла англаб етмаган қўлба қирраларини яна бир бор кашф этишга асос бўлади. Шу билан бир қаторда кўпгина асарлар жамиятимиз тараққиёт фалсафасини, мамлакатимиз ва халқимиз келажиги, унинг раванглиги белгилаб берадиган муҳим дастуриятлар билан таъмин қилади. Шундай экан, эртанги кунга умид ва ишонч туйғуси билан қарайдиган барча замонадошларимиз, айниқса, дунёқараш муносиб шаклланаётган ёшлар давримиз солномасига айланаётган китобларни теран нигоҳ ила ўқиб ўрганишлари мақсадга мувофиқдир.

Ёшлар, албатта, ана шундай атоқли адиблар, шоирлар, олимлар ва бошқа зиёлилардан ибрат олиб қалмоғга етадилар.



Тадбирда талабалар ижодкорлардан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олганларидан сўнг, институт кутубхонасига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан янги китоблар тўхфа этилди.

Тадбир адабиёт ва китобхонлик мавзусига бағишланган “Заковат” интеллектуал ўйинига уланиб кетди.

— Асосан, ирригация ва қишлоқ хўжалиги сирларини пухта эгаллаётган талабарнинг маънавий етуқлиги, атоқли ёзувчи-шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақида шу қадар пухта билимга эга эканиликлари қувонарли ҳол, — деди ҳайъат раиси, филология фанлари доктори, профессор Сувон Мели. — Улар ҳатто шоир Тўлқин Эшбекнинг кеча ижтимоий тармоқларда ёритилган “Бухоро мадҳида”, “Бухорои шарифда ўчмас излар”, “Минорани қалон” сарлавҳали шеърларига ҳақиқатан ўқиб-ўрганганлари қанчалик эзгу ва фикри теранлигини кўрсатади.

Кечки пайт талабалар турар-жоий ҳовлисиди катта гулхан ёқилди. Олов атрофида истеъдодли талабалар бадий чиқишларини давом эттирдилар. Шеърхонлик ва баҳрибайтлар барчага хуш кайфият бахш этди. Дилрабо куй-қўшиқлар даврага янада файз киритди.

Институтиимизга ташриф буюрган турли соҳа вакиллари, албатта, бу масканда амалга оширилаётган ишларга катта қизиқиш билан қарайдилар. Айтиш жоизки, айни пайтда институтиимизда 3859 нафар талаба тахсил олади. Мамлакатимиз иқтисодиётининг йirik драйверларидан бўлган қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасига етук кадрларни тайёрлаб бераётган институтиимиз порлоқ истиқболга эга олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Утган ўқув йилининг ўзида АҚШнинг Иоша, Ваёминг университетлари, Испаниянинг Валенсия Политехника университети, Германиянинг Гумбольдт номидида Берлин университети, Венгриянинг Обуда, Сзегед ва Венгрия қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар университети, Хитойнинг Ланчжоу, Шанхай университетлари ва Малайзиянинг ИНТИ Халқаро университети каби дунёнинг 20 дан ортиқ етакчи ОТМлари билан ўзаро илмий ва таълимга оид ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Институтиимизда ҳар ойнинг охири сешанба кунини “Маънавият кунини” сифатида белгилаб қўйилган. Бу кунини асосий эътибор талаба-ёшларнинг маънавий қиёфасини бойитишга қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентини даъват стипендияси соҳибни Хусниддин Сафаров, Исрол Қаримов номли давлат стипендияси соҳибни Мухриддин Тойиров, Беруний номли давлат стипендияси соҳиблари Суҳроббек Ўлмасов, Илхомжон Ҳамроев каби фаол талабалар бу борада барча тенгдошларига ўрнак бўлмоқда.

“Маънавият кунлари” доирасида 2023-2024 ўқув йили давомида 77 та маънавий-маърифий, маданий ва тарбиявий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилди. Театр, музей, тарихий масканлар, муқаддас қадамжолар, табиат масканларида ўтказилган 50 дан ортиқ маърифий суҳбат ва шеърхонликлар талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Жорий ўқув йилида ўтказилган “Ислохотлар билимдони” кенг тармоқли республика кўрик-танловиди 4-босқич талабамиз Салоҳиддин Абдураимов Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Фахрий ёрлиғи” билан тақдирланган бўлса, Шоҳзод Орипов олий таълим масканимиз томонидан таъсис этилган Абдулла Орипов номидида махсус стипендия совриндори бўлди.

Файзулло ХАМИДОВ,  
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти — миллий тадқиқот университетининг Бухоро табиий ресурсларни бошқаруш институти Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори.

## ХОТИРА

# ЭЛПАРВАР ИНСОН ЭДИ

Муйдин элпарвар номи билан Чироқчи халқига танилган бу киши Мухиддин Нурматов бўлади. Мухиддин Нурматов ўтган асрнинг 20-йилларида тумандаги Шўрбозор қишлоғида мулла Нурмат бобо хонадонидида туғилди. У 15-16 ёшида Иккинчи жаҳон уруши бошланган даврда Кўқдала музофотида ўқиш-ёзишни биладиган, хат-саводи чиққан кам сонли саккиз-ўн кишидан бири бўлган. Ёш Мухиддин ўзининг амакиси, ўша даврда бригадир бўлиб ишлаган Эшман-бобога табелчилик қилган. Ўқишмишли бўлгани боис, ёшу қарини ўз домига бирдай тортаётган урушдан қолгани учун берилган махсус “Ордер” орқали фронтдан олиб қилинган.



жонбозлик кўрсатган. 1957 йилга келиб, Мухиддин Нурматов Кўқдала совхози марказидаги энг катта бўлимга раис лавозимидида иш бошлаган. Эски Анҳор канали бўйига, яъни Шўрбозор қишлоғига яқин атрофдаги қишлоқлардан кўп оилалар кўчириб келтирилган ва бу худуд эндиликда Пахтакор қишлоғи деб атала бошланган. Энди Кўқдалада биринчи марта пахта экиладиган бўлим ташкил қилинган ва яна бу бўлимга Мухиддин Нурматов бошлиқ қилиб тайинланади. Бутун маъсуляти ўз зиммасига

олган Мухиддин қуриб-қақшаб ётган ерни ўзлаштиришга киришади ва пахта экади. Аммо, барча уринишларга қарамай, биринчи йили ҳосил чўғи раҳбарларни қаноатлантирмайди. Бироқ, кейинги йилларда агроном-ҳосилот Сапар Холмуродов, бригадирлар Наби Жамшидов, Тўхта Боймуродов, Тошназар Боллелов, Рўзи Ҳақбердиев каби билимли, фидойи бригадирлар ёрдамида пахтадан мўлжалдагидек ҳосил ола бошлайдилар. Натияжада, Мухиддин раис фахрий ёрликлар, медаллар, шунингдек, янги

“Жигули” русумли автомашинаси билан тақдирланади.

Уша даврларда Кўқдаланинг Пахтакор бўлими гуллаб-яшнади. Пахтакор далалари тўртбурчак шаклида бўлиб, пахта даласининг тўрт томонида асосан тут дарахтлари экилган. Дала майдони Эски Анҳор каналидан келадиган сув билан тўла таъминланган. Бўлим пахтакорлари ердан мўл ҳосил олиб, пахта билан бирга давлатла пилла сотиш режасини ҳам 200 фоизга бажарган. Пилла етиштиришда, асосан, қишлоқ аёллари ишлаган ва олган иш ҳақиқа ўзларининг каму кўстини бутлаганлар.

1965 йилда Кўқдаланинг Пахтакор бўлими ҳамда Охунбобоев совхозининг Айритом бўлимлари ҳамда Косон туманидан Хардури ва Олатўн қишлоқлари қўшилиб, Файзулла Хўжаев совхозни ташкил қилинган ҳамда Эски Анҳор қишлоқ совети ҳам ташкил бўлади. Мухиддин Нурматов то умрининг охиригача шу қишлоқ советининг раиси лавозимидида самарали ишлайди. У кишининг саъй-ҳаракатлари билан Шўрбозорда катта ўрта мактаб биноси, 80 ўринли болалар боччаси ва қишлоқ тиббиёт пункти биноси қурилади.

Умуман олганда, Мухиддин Нурматов элпарварлиги билан тарихдан муносиб ўрин эгаллаган. Эзулиқнинг умри боқий деганларидек, унинг хотирасини эл-улус илик сўзлар билан эслайдилар.

Турди ЖўРАЕВ.

ТАДБИР

Халқимизда "Яхшидан боғ қолади" деган ҳикматли мақол бор. Давлат тилини ривожлантириш департаменти ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Сөгели тумани, "Хонтепа" маҳалласида "Ватан боғлари" шиори остида ҳашар-семинар уюштирилди. Ҳашар-семинарда вазирликлар, идора ва ташкилотлар ҳамда туман ҳокимликларининг давлат тили бўйича маслаҳатчилари иштирок этди.



# Эзгулик уруғлари



— Образли зайлда айтсак, бугун эзгулик уруғини тупроққа экяёмиз. Зеро, кун келиб бу ниҳоллар шовуллаб барг ёзганида, ўсиб келаётган авлод бу боғни кўриб ибрат олса, эзгу ишлар қилишга руҳланса, биз мақсадимизга етган бўламиз. Бу боғнинг номи "Ўзбек тили" боғи деб номлашни ҳам ният қилдик. Бу боғ тафаккур боғи бўлади! Чунки биз биламизки, биргина сўзнинг сеҳри қалбларни ўзгартиришга қодир. Айниқса, ёшларимизда она тилимизни асраб-авайлаш туйғусини шакллантиришни долзарб масала деб билмаман, — деди Давлат тилини ривожлантириш департаменти раҳбари Нодиржон Жонузоқов.

"Кимки ерга умид билан бир ниҳол қадабди, ўзига бардавом яхшилик қилибди", дейди машо-йхлар. Бу экилган ниҳоллар билан бирга қилинган эзгу дуолар, ёруғ ниятлар ҳам тобора кўкка бўй чўзаверади.

— Кун келиб фарзандларимиз "Ўзбек тили" боғига борамиз, дея қўл ушлашга келишса, қандай бахт! Бу боғда миллий тилимизни улғувловчи иқтибосларни кўришса, атоқли ўзбек адиби ва шоирларининг жонажон Ватанимизга, она тилимизга аталган ҳикматли шеърларини ўқисса, бу уларнинг қалбига Ватанга, она халқимизга, миллий тилимизга бўлган садоқат, муҳаббат туйғуларини ҳам тарбиялаши шубҳасиз, — деди ҳашар-семинарда фаол иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокимининг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси Акмалжон Рўзитоёв.

Ватан тупроғига экилган эзгулик уруғлари эртага маънавият, маърифат боғига айланиб, яшиллик асосида тафаккур зиёсини ҳам таратишига ишонамиз.

Озода БЕКМУРОДОВА, журналист.

АКС-САДО

# МИНГ АФСУСКИ...

Журъатли ва жасоратли газетамиз "Hurriyat"нинг 2024 йил 17 январь сониди эълон қилинган таниқли публицист Нуриддин Очиловнинг "Уй-музейларнинг "бегона"си йўқ!" сарлавҳали мақоласи ўзининг ўта долзарблиги, очик ва холислиги билан нафақат соҳа мутахассисларининг, балки биз, матбуот ходимларининг ҳам қалбимиздаги чўғни янада алангалатиб юборди. Муаллиф айтганидек, музейшунос бўлмас-да, журналист сифатида пойтахтдаги уй-музейларнинг бир қанчасининг, шу жумладан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор уй-музейи фаолиятини чуқур ўрганиб, яқин йигирма йиллардан бунён ҳеч қимни ташвишга солмаган қатор муаммоларни худди музей билимдони ва тажрибали ходимдек қуноччилик билан таҳлил ва танқид қилиб, ечимини кутаётган қатор масалаларга республика мутасаддилари эътиборини қаратишни ният қилган.

Айрим уй-музейлардаги йўлқираси-ю тушлигидан ортмайдиган ходимлар маоши, шу боис уларнинг кўнimsизлиги, малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, шунингдек, таъмирлаш сингари қатор етишмовчиликларга узоқ йиллардан бери "бор отанга, бор онанга"дан нари ўтмаётганининг сабабларини қимдан сўраш керак, дея боғ ургани бежиз эмас. Мақола чоп этилгандан бери уч ойдан кўпроқ вақт ўтди. Бу муаллиф томонидан айтилган камчиликларни қонун доирасида ҳал этишга, уй-музейларга амалий ёрдам кўрсатиш учун бел боғлашга етарли фурсат.

Минг афсуски, бугунга қадар маъруз масалада на Маданий мерос агентлиги, на Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва на бошқа мутасадди идораларнинг фикрини бирон-бир нашрда кўрмадик. Демак, тилга олинган нуфузли ташкилотлар раҳбарлари Н.Очиловнинг бу ва "Жамият" газетасининг 2023 йил 18 май сонида берилган "Вазирлар ва ҳокимларга бегона манзиллар" номли танқидий мақоласини ўқимаганлар. Ўқиганларидан масалага қандай қарамаган бўлур эдилар. Бу эса Нуриддин Очилов "Hurriyat" газетасининг 2023 йил 14 июнь сонида "Матбуот бонг урмоқда, лекин... ёхуд раҳбарлар газета ўқияптиларми?" номли яна бир мақолада раҳбарларнинг газета ўқимаётганини адолатли танқид қилганининг яққол далили. Ростини айтганда, бу мақолага ҳам бирон-бир ташкилот раҳбарининг муносабати билдирилгани йўқ.

Шу ўринда савол туғилади. Тилга олинган ташкилотлар раҳбарларининг газета ўқишга вақти бўлмаса, уларнинг матбуот котибларичи? Ахир газеталарни мунтазам кузатиб бориш уларнинг вазифси эмасми? Балки, қовун-қовундан ранг олар деганларидек, улар ҳам газета ўқишни аллақачон унутиб юборишгандир. Ёки давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 22 декабрда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида билдирган танқи-

дий фикрлари мақолада келтирилган агентлигу ҳокимликларга тегишли эмасми?! "Уй-музейларнинг "бегона"си йўқ" мақоласи Президентимиз томонидан Кенгашда билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалардан сўнг эълон қилинишига қарамай, соҳага бевосита раҳбарлик қилаётганлар ҳозирга қадар сукут сақлаётганларини қандай тушуниш керак? Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, уй-музейлар бундан кейин ҳам муаллиф таъкидлаганидек, "ўз ёнига ўзи қовурилиб" ўтира-веради, шекилли.

Ростини айтганда, бу борада бизнинг Наманган вилоятида ҳам илиқ гап айтишга арзуғулик иш қилинаётгани йўқ. Ун беш йиллар муқаддам Наманган туманининг Шўрқўрғон қишлоғида болалар шоираси, Халқ таълими аълочиси Тўхтаҳон ая Раҳимова миндан зиёд экспонатли "Истиклол" уй-музейини ташкил этиб, ранг-баранг маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фидойилик кўрсатиб келаётган эди. Экспонатлар сони орта, музейини кенгайтиришга тўғри келганда, Тўхтаҳон ая ҳокимиятга мурожаат қилиб, ташландик бинодан бир неча хона олишга муваффақ бўлди. Бироқ кўп ўтмай, бино бошқа бир ташкилотга расмийлаштириб берилди. Саксон уч ёшли ая не-не азоблар билан уй-музейни яна ўз хонадонига кўчиришга мажбур бўлди. Аммо янги жойини таъмирлашга ишлатган 30-40 миллион сўмга куйиб қолгани билан ҳеч қимнинг иши бўлмади.

Худди шунингдек, Чортоқ туманидаги Короскон қишлоғида филология фанлари номзоди, журналист Маҳмуджон Мазмуров, Пешқўрғонда болалар шоири, фольклоршунос Оташ Холмирзаев, Янгиқўрғонда шоир Робиддин Исҳоқов уй-музейлари ҳам маҳаллий ҳокимликларнинг беписандлиги туялмай "бўлса-бўлар, бўлмаса говлаб кетар" деган аҳволда. Бу уй-музейлар хатто рўйхатга ҳам олинмаган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Президентимизнинг ички туризмни ривожлантиришга катта эътибор бераётганлиги ёшларимизни кенг дунёқарашли, билимли, ўз ўтмишига ҳурмат билан қарайдиган, ташаббусқору тадбиркор қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлган уй-музейлар фаолиятини замон талабларига мос равишда ташкил этиш, ҳақиқий маънавий-маърифий масканга айлантириш кимнинг вазифаси, кимнинг бурчи? Уй-музейларнинг эгаси борми ўзи? Республика Маданий мерос агентлиги мутасаддилари яна қанча уйқутираб ўтиромоқчилар?! Мабоодо ишни нимадан бошлашни билмай бошлари қотаётган бўлса, Н.Очиловнинг "Hurriyat" ва "Жамият" газеталарида чоп этилган мақолаларини ўқисалар кифоя бўлармиди?

Жаҳонгир ТЎХТАСИНОВ, Наманган вилояти, Учқўрғон туманидаги "Ёрқин ҳаёт" газетаси муҳбири.

# БОЛАЛАР ЎЗ НАШРЛАРИНИ ЎҚИЯПТИМИ?



1-6. Энг оғриқлиси, ўн мингдан зиёд ўрта таълим мактапларида ҳатто болалар нашрларининг мутлақо етиб бормаётгани, бораётганларига ҳам бир-икки дона бораётгани ачинарли ҳол.

Уйлаб кўринг, болалардан газета-журнал ўқимаган авлод... катта бўлганда китоб мутлола қилишга ишонши мумкинми?

"...Гулхан" журналининг 2022 йил июнь ойи сониди Фарғона вилояти Қува туманидаги 8-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Дилдора Йўлдошеванинг шеъри босилиб чиққан. Дилдоранинг ҳаяжони, қувончининг чеки йўқ, яқин йилларда мактаб ҳаётида бундан воқеа бўлмагани учун ўқитувчиларнинг ҳурраданчиликчи ўқувчиларнинг мактабдошларига ҳавасларини кўрсангиз! Ота-оналарнинг шодлиги кўшнилару қариндошларга ёйилди.

Янгилик тезда маҳаллага, яқин-орадаги қўшни мактабларга ҳам тарқалди ва у мактабларнинг ҳавасманд ўқитувчилари ўша журнални кўрсатиб, ўз ўқувчиларининг юрагига ўт солмоқчи бўлишди: "Мана, бадиий китобларни кўп ўқисаларинг, ўргансаларинг... ўзларинг ҳам машқ қилиб, шеър, ҳикоялар ёзсаларинг, Дилдорига ўхшаб вилоят, республика матбуотида номларинг, машқларинг эълон қилиниши мумкин". Лекин кўпчилигининг бу нияти дилида қолиб кетди, чунки туманда 66 та мактаб бўлса, шундан санасанг бармоқларинг ортиб қоладиган миқдордаги мактаблардагина битта-яримта "Гулхан" журналага обуна бўлганлар бор эди, холос.

Кўпчилик эшитган латиға: бозорда эшагини йўқотиб қўйган Афанди ҳаммага эшиттириб: "Тезда эшагини топиб беринглар, бўлмаса, мен ҳам отам қилган ишни қиламан!" — деб дағдаға бошлабди. "Отаси нима қилган экан?" — деб ташвишга туш-

ганлар роса излашибди, лекин Афандининг эшаги топилмабди. Умидини узган Афандининг ўзи ҳам аста-секин ҳовуридан тушибди. Индамай уйига қайтиш тадоригини кўра бошлабди. Шунда одамлардан бири: "Эй, Насриддин, отангиз эшагини йўқотганда, нима қилганга?" — деб сўрабди. "Отам уйга пиёда кетган", — дебди хуржунини елкага олаётган Афанди.

Хуллас, ўша "Гулхан" журнални кўришга жуда қизиққанлар ҳам (пойтахтнинг итмиёзлари кенг, катта даргоҳларида раҳбар бўлиб, олий унвонлар олиб ишлайдиган ҳурмат-эътиборли айрим бошлиқлар босма оммавий ахборот воситаларида чиққан мақола, суҳбатларини кўриш учун газета (журнал) ёки унинг электрон шаклини тахририятдан сўраб олганлари каби) 8-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчисидан Телеграмм тармоғи орқали "Гулхан"нинг саҳифаларини юборишни илтимос қилишганди.

Тарихни ўқисак, дунё таниган олим ал-Фарғонийнинг юртида... бозор иқтисодиёти устувор бўлган бўлган кун призмасидан қарасак, тадбиркорлик бора-сида республикамизнинг энг илғор, топармон-турармон худудлари қаторида камдан, мавсумда бир тупгина анорнинг ўзидан келиб 100.000 сўм даромад қиладиган "Гулхан" журналининг бир йиллик обунаси почта хизмати билан 250.000 сўм; "Ғунча" журнали почта хизмати билан 200.000 сўм) қуваликлар юқоридаги тафсилотларим (сирни кўпга ошқор қилганим) учун мендан хафта бўлишлари мумкин. Аммо хижолатликка ўрин йўқ, чунки айни шундай ҳолат такрорланиши... йўқ, такрорланмаслиги аниқ бўлган мактаблар туман ва шаҳарларда нечта топиларкин? Қанийди, шу фикрда ноҳақ бўлсам, узр сўрашга, етказган маънавий озоримни ўша мактаб

кутубхонасига китоблар совға қилиш билан қайтарилмади.

Кейинги икки йилда бу борада о-озгина силжиш бўлди: силжиши, уч-тўрт йил олдин тамоман "Ўтириб" қолган "Гулхан" журнали айни пайтда 3700, "Ғунча" журнали 2500 ададда босилмоқда.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2022 йил 13 майда чиқарилган "Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан аниқ белгилаб қўйилган: "...ўқувчилар онгига ватанпарварлик туйғуларини ва миллий қадриятларни синдириш, бой маданий-тарихий мерос, миллий урф-одатлар, буюқ ажодларимиз маънавий меросини ўрганишлари учун шароитларни яратишда сектор раҳбарлари ва мутасадди ташкилотларини кенг жалб этиш; соҳа ходимлари, таълим муассасалари раҳбарлари, педагогларнинг Янги Ўзбекистон тараққиётидаги шахсий ҳиссаси, ўқувчиларни ҳар томонлама етук авлод этиб тарбиялашдаги масъулиятларини ҳис этишлари учун тарғибот ва тушунтиришлар олиб бориш; раҳбар ва педагог кадрлар томонидан таълим тизимини амалга оширишдаги ислохотларни, соҳада жорий қилинаётган янгиликларнинг янада кенгроқ тарғиб этилиши, ўқувчиларнинг касбий ва шахсий ривожланишлари учун керакли бўлган маълумотларни олишлари учун имкониятларни кенгайтириш, уларнинг билими ва тафаккурини ошириш мақсадида халқ таълими йўналишидаги босма нашрларни таълим муассасаларига етказиб беришни таъминлаш вазифалари юклансин".

Шу ўринда айтиш жоизки, ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, қомил имсон бўлиб воёга етиши учун қайта педагоглар эмас, ота-оналар ҳам биргаликда қаёғуриши лозим. Улар бугун, айниқса, кенг урф бўлаётган дабдабали туй-томошалар, гап-гаштақлар, зиёфатларга сарфлаётган пулларини озгина тежаб, болажонларга маънавий озуқа берадиган газета-журналлар обунасига ҳисса қўйса, фарзандларини мутлолаға ўргатишга, фойдадан холи бўлмасди.

600, 800, 1000 та журналларни ўқиб, улардан илму одоб, маънавий-эстетик сабоқлар олиб, дунёқараш кенгайиб, қалби улғайиб, орзу-умидлари куч-қувватланган минглаб ўғил-қизларни кўз олдимизга келтирайлик! Аслида, келажак авлодимиз қалбидан китобсеварлик, маърифатсеварлик, ҳижматсеварлик, халқсеварлик, ватансеварлик фазилатлари шу каби моҳияти теран одат, анъаналардан бошланмайди?! Бу гаплар билан бировларнинг "чўнтаги"ни кавлаётганим йўқ, Шунчаки, ота-оналар орзу-ҳавасга сарфлаётган маблағларини янада эзгу мақсадларга ҳам ажратиши мумкинлиги тўғрисида уйлаялман.

Бундай орзунинг ўзидан қалбдаги ҳаяжон тўлқини кўзга тўлади. Бу каби ниятлар рўёбига, томчидек бўлса-да, ҳисса қўшмоқ интилагларга насиб этсин. Худди шу холис ният ҳурматидан азиз юртдошларимиз юқоридаги мушоҳадаларни тушунадилар, деган умиддамиз.

Мухтарам УЛУҒОВА,  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

ҲУҚУҚ



# МУЛК ДАХЛСИЗЛИГИ — ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Ўз уй-жойига эга бўлиш мустақил ҳаётга қадам қўйган ҳар бир ёш оиланинг қоруси ҳисобланади. Қадим-қадимдан ўзбек оиласида ўғил фарзанд туғилса, келажакда унга иморат қилишни ният қилиб, 20-30 туп трак экилиши ҳам тўзал одатларимиздан бўлган.

Мустақиллик йилларида аҳолини уй-жой билан таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, охири етти йил мобайнида бу борада оламшумул натижаларга эришилмоқда. Жумладан, утган йили янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига уй-жой ҳуқуқига алоқадор алоҳида бандлар киритилиб, кўчмас мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги мустақамлаб кўйилди.

Янги тахрирдаги Конституциямизнинг 47-моддасида шундай белгиланган:

"Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонуна зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у қўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдидан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади".

Мазкур модда билан уй-жой мулкдорларига нисбатан икки турдаги муҳим конституциявий кафолат белгиланган. Яъни, суд кафолати ва уй-жой учун компенсация олиш кафолати.

Бунда суд кафолати деганда, уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқидан суд қарорисиз маҳрум этилишига йўл

қўйилмаслиги назарда тутилади. Мазкур тартиб мулкдор ҳар қандай ҳолатда ҳам асоссиз равишда уй-жойидан маҳрум этилмаслигини кафолатлайди.

Уй-жой учун компенсация олиш кафолати эса мулкдорнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоясига йўналтирилганлиги билан эътиборга молик. Мазкур норма қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорнинг шу уй-жой ва унга етказилган зарар учун тенг қийматда компенсация олишини кафолатлайди.

Ҳўш, тенг қийматда компенсация олиш нима дегани? Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 206-моддасига мувофиқ мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг қийматли мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида берилиши ва у кўрган бошқа зарарлари тўлалини ёки мулк ҳуқуқи берор қилиниши билан етказилган зарар тўла ҳажмда қопланиши белгиланган.

Судлар томонидан утган даврда мулкдорларга етказилган зарар учун 34 млрд. 586 млн. сўм компенсация ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарорлари билан 60 дан ортиқ мулкдорларнинг ҳуқуқлари тикланган.

Утган йили янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига уй-жой ҳуқуқига алоқадор алоҳида бандлар киритилиши уй-жой мулкдорининг олдидан олишга, суд ҳимоясини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Х. ИБРАГИМХОҲДАЕВ,  
Жиноят ишлари бўйича Учқўрғон тумани судининг судьяси.



# КУБАЛИК МЕҲМОН ҲАЙРАТИ

“Тулистон менга ёқиб қолди”, деди Оделис МАС



Кўп йиллар Гулистон шаҳридаги 6-умумий ўрта таълим мактабида дарс берган, айна пайтда Гулистон туманидаги “Олтин ўрда” маҳалласида истиқомат қилаётган меҳнат фахрийси Майрамхон Иргашева яқинда “Янги Сирдарё” газетаси тахририяти эшигидан кираркан: “Сизларга хорижлик меҳмонни бошлаб келдим”, деди. Унинг ёнидаги қорамғиздан келган, сочлари жингалак, кўзлари катта-катта қиз табассум қиларкан, кўлини кўксига қўйиб: “Ассалому алайкум!” деди. Хорижлик қизнинг ўзбекона каломни барчамизни ҳайратга солди.

— Хуш келибсизлар, Майрамхон! Меҳмонингиз қаерлик, қачон келди, ташрифининг сабаби нима, қандай қилиб дарров ўзбекчани ўрганди? — дея уни саволга кўмиб ташладик.

ринчи бўлиб салом беради.

Оделис уч йил ичида рус тилини анча мукамал ўрганибди, шу боис у билан бемалол суҳбатлашдик. Куба мактабларида 12 йил ўқитилар экан. У мамлакат пойтахти Гаванада мактабни тамомлагач, оилавий шароити туфайли онаси билан Москвага ишлагани келишган экан. Яқинда ватанига бориб, яқинларини кўриб келибди.

— Рақс клубида вақтинча ишляпман. Келажакда шифокор бўлишни орзу қиламан, ҳозир олий ўқув юртига киришга тайёрланапман, — деди Оделис. — Яшириб нима қиламан, бизнинг мамлакатимизда ҳаёт ҳавас қиларли эмас. Айниқса, ёшлар учун имкониятлар кам. Ўзбекистон ҳақида кўп эшитганман. Келганимга кўп бўлгани йўқ, лекин Гулистон шаҳрининг кўп жойларини кўрдим, хиёбон ва истироҳат боғларини томоша қилдим. Ўз номига муносиб, чиройли, ажойиб шаҳар экан. Бозорлардаги, супермаркетлардаги тўкинчиликни, арзончиликни, кўчалардаги орасталикни кўриб, ҳайратга тушдим. Одамларнинг бир-бирларига муносабати, эътибори, муомаласи жуда яхши экан. Бу ерда меҳмонни хуш кўришаркан, қаерга борсам, уйларига, дастурхонга таклиф этишди. Миллий таомлари, нонлари, айниқса, палов менга жуда ёқди. Даярли ҳар қили палов еяпман. Майрам опадан палов пиширишни ўрганапман. Уйимга қайтгач, уни онамга ўз қўлим билан пишириб бераман. Миллий либосларингиз ҳам менга ёқди. Майрам опа менга узун атлас кўйлак тиктириб бермоқчи. Сочла-

римни майдапаб ўрдирмоқчи эдим-у, менинг калта жингалак сочимни эпакчага келтириб бўлмади. Ўзбекистонлик ёшларга ҳавасим келди, шундай гўзал, обод, фаровон мамлакатда яшаш бахт эканлиги уларнинг юз-кўзларидаги кувончда яққол кўриниб турибди. Ҳали анча вақт турарман. Майрам опа билан қадимий шаҳарлардаги тарихий обидаларни, Тошкент-Сити ва пойтахтнинг бошқа диққатга сазовор жойларини томоша қилишга борамиз. Юртингизни бир кўрган одам яна кўргиси келаркан, оҳанрабои борми, дейман. Ҳар қуни ўзим учун бир ангилликни, янги манзараларни, янги рангларни кашф этаяпман.

Шунингдек, Оделис мезбон оила аъзоларига томорқадаги юмушларни бажаришда, кўчатлар экишда кўмаклашяпти. У кўчат экиб, ёнидаги тахтачага ўзининг исмини ёзиб қўйибди. Майрамхоннинг айтишича, Оделис: “Кейинги гал келганимда бу даракнинг мевасини ўз қўлим билан узиб ейман”, деб ният қилганмиш.

— Яқин кунларда меҳмон қизни Самарқандга саёхатга олиб боришни режалаштирганман, — деди Майрамхон Иргашева.

Шу кун “Янги Сирдарё” ва “Новая Сырдарья” газеталари тахририятида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими ходимлари ҳамда бир гуруҳ ёш ижодкорлар хорижлик меҳмон билан суҳбатлашди. Оделис Мас уларга юртимиз, Гулистон шаҳри ҳақидаги таассуротларини гапириб берди.

Холда ПАРДАБОВА.

# УСТОЗЛАРНИНГ УСТОЗИ



Ўша маҳзун лаҳзаларда унинг озурда кўнглидан нелар кечишини биз билмаймиз. Билганимиз, умр олтиг карвон йўллариде ўзининг ҳайрли ишларини сарҳисоб қилади у. Ва...

Айтишларича, Шерзод ака дунёга келган биринчи ховли Бешёғоч даҳасидаги ўша доврўғи баланд Арпапоя маҳалласида жойлашган экан. 1944 йил 3 май куни дунёга келган ва “метирка”сига Шамшодбек дея исм битилганини кўрган шоир Фафур Фулом Ҳамид Фуломга қарата: “Бу чақалоқ бугундан бошлаб Шерзод бўла қолсин” деган экан. Шу-шу бўлди-ю, расмий ҳужжатларда бошқача, одамлар орасида эса Шерзод бўлиб кетди...

Кимки, Ҳамид Фуломнинг “Йиллар, йўллар, устозлар” ҳамда “Вафонинг узун йўли” ҳужжатли қиссаларини мутлоа қилган бўлса, уларда бўлажак машҳур теле-радиожурналист, моҳир ташкилотчи ва истеъдодли раҳбар, республика журналистикасининг етук вакили Шерзод Фуломов қандай муҳитда тарбия тогани ва ўша даврнинг неча ўнлаб манаман деган номдор ижодкорлари қадами етган гўзал хонадонда тонготар суҳбату мушоираларга бевосита гувоҳ бўлганини англаб етати.

Яна бир қизиқ воқеа тафсилотини эшитинг: журналистика факультети талабаси бўлган Шерзод Фуломов 1963 йилнинг кеч кузида пахта дала-сида юрганида ҳарбий комиссариат вакили унинг қўлига қаққурув қозонини тутқазиб кетади. Аёнки, армияга боришдан бўйин товлаш ҳижоат билан тенг. Қаҳрамонимиз олис Қозғистоннинг совуқ бурчаги Толдиқўрган вилоятида жойлашган ҳарбий қисмда хизматни ўтай бошлади. Қўтилмаганда бир кун машҳур адиб-шоир, Ҳамид Фуломнинг хонадониде кўп бора меҳмон бўлган Константин Симоновдан оддий аскар Ш.Фуломов номига бандерол-совға келади. Зобитлар мавжуд тартибга кўра, қопни очиб кўришсаки, ичиде икки-учта китоб бор эди. Энг ҳайратланарлиси, 19 ёшли йигитчага жўнатилган китобларда кимсан ўша даврнинг энг доврўқли шоири номидан “Эҳтиром ила Сизнинг Константин Симонов” деган жимжимдор ёзув турарди. Орадан кўп ўтмай у “Доблесть” номли газетада ҳарбий журналист сифатида фаолият кўрсата бошлайди...

Устознинг улкан кутубхонасидеги нодир китобларни варақласангиз Расул Ҳамзатов, Давид Қўлултинов, Фафур Фулом, Зулфия, Чингиз Айтматов, Мирзо Турсунозда, Миртемир, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Уйғун, покистонлик шоир Файз Аҳмад Файз ва яна юзлаб таниқли ижодкорлар дастхатларига кўзингиз тўшади. Уларнинг ҳар биттаси бу оила-



Суратда: Шерзод Фуломов падарибурзуқвори Ҳамид Фулом билан. 1990-йиллар.

нинг муқаддас бойлиги сифатида юксак қадрланади. Шерзод ака саховатли зиёли эмасми, ўзи умргузаронлик қилаётган маҳалла кутубхонасига бир ярим миндан кўпроқ турли жанрлардаги китобларни ҳади қилди.

Шерзод Фуломовнинг меҳнат дафтрасини кўрганмисиз? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, унда фақатгина “Ишга қабул қилинсин” деган биттагина ёзув бор холос. Негаки, у қарийб қирқ йилча вақт давомиде Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида турли вазифаларда узлуксиз ҳалол ишлаб келди.

Айниқса, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасида ўн йилдан зиёдроқ ишлаган даври алоҳида таъкидлашга лойиқ десак муболаға бўлмайди. Хусусан, эндигина оёқга тура бошлаган уюшма ташаббуси билан миллий ва халқаро журналистиканинг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини янада ривожлантириш ҳамда бу машаққатли соҳа вакиллари орасида танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш ва уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида мамлакат тарихида илк бор “Олтин қалам” Миллий мукофоти таъсис этилгани тарихий воқеа эди. Кейинчалик “Йилнинг энг фаол журналисти”, “Энг улўғ, энг азиз” республика ижодий танловларининг ҳам қамрови ва нуфузи ошди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудлариде уюшма-нинг бўлимлари ташкил этилди.

Ва ниҳоят Шерзод Фуломов ўзининг асаблари темирдан эмаслигини яхши биларди ва энди кексалик гаштини сурмоқ учун шоғирдларига йўл бериб дам олишга қарор қилди. Қайда, яна қўйшмади: энди Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассо-

циацияси Экспертлар кенгаши раиси — “Менинг юртим” телеканални ижодий-баддий кенгаши раиси, ЭОАВМА бошқаруви раиси ўринбосари — бош директор лавозимида фаолият кўрсата бошлади. Мамлакатимизда нодавлат электрон ОАВ ривожига муносиб ҳисса қўшди. Ҳозир эса яна масъул вазифада — кенг томошабинлар аудиториясига эга бўлиши “Менинг юртим” телеканалда ижодий-мафқуравий ишлар бўйича маслаҳатчи. Халқимиз ишончини қозониб келаётган телеканал нуфузини ошириш ва омманни сифатли контент билан таъминлашига беминанат кўмак берапти, ёш ижодкорларга ўзининг бой иш тажрибаси ва билимини ўргатиб келаяпти. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси қошидаги Фахрий журналистлар кенгаши раиси сифатида самарали жамоатчилик фаолияти олиб бормоқда.

Ўзбек журналистикасида ўзига хос ўрни ва нуфузига эга бўлган устознинг меҳнати юксак қадрланган: “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими”, “Дўстлик” ордени соҳиби ва яна ўнлаб мукофотлар соҳиби. Ассийси, у қайси бир даврага кириб борса, каттаю кичик юксак қадрлайди. Бундай мартаба, шон-шавкат ҳар кимга-да нисиб этавермайди.

Бугун ўзининг қутлўғ саксонинчи баҳорини қаршилаётган Шерзод Фуломовга айтар сўзимиз битта: толеингиз, иқболингиз ҳамиша баланд бўлсин. Тилда ҳам, дилда ҳам устозлик мақомига муносибсиз. Умр йўлларингиз ҳамиша ойдин бўлсин!

Норқобил ЖАШИЛОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.  
Шоахбор САЛИМОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси,  
“Дўстлик” ордени соҳиби.

# ТАРҒИБОТДА ТАФАККУР БОР



Шундан сўнг ҳафталик доирасидаги тадбирлар Қоракўлпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида янги китобларнинг тақдимотлари, таниқли, ёш, истеъдодли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар тарзида давом этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган IV республика “Китобхонлик ҳафталиги”да Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари фаоллик кўрсатди. Жумладан, 23 апрель кун пойтахтимиздаги Адиблар хиёбониде Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида “Китобсевар миллат” шиори остида китоб савдо-ярмаркаси ташкил этилди.

Маъзур китоб ярмаркаси Адиблар хиёбониде ўтказилаётган “Миллий қадриятлар сайли” фестивали иштирокчиларини ҳам ўзига жалб қилди. Тадбирга келган олий ўқув юрти талабалари ва ёш ижодкорлар расталарни кўздан кечириб, ўзларини қизиқтирган китобларни харид қилдилар.

Китобхонлик тадбирларининг навбатдаги Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва уюшманинг Самарқанд вилояти бўлими ҳамкорлигида Жомбой туманида ўтказилди.

Дастлаб мактаб ўқувчилари ва боғча ёшидаги болалар туман ахборот-ресурс марказида бўлиб, китоб ҳақида қимматли маълумотларни олишди. “Умид” ижодкорлар клуби аъзолари ҳамда болажонлар бадий чқишлари орқали китобга бўлган меҳрини кўрсатишди. Шунингдек, “Кутубхонага китоб совға қиламан” акцияси, “Мутлоа қилиб, сизга ҳам тавсия қиламиз” мавзусида флешленг, челленж ўтказилди.

Тадбир тумандаги информатика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган 23-мактабда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, шоир ва журналист Ёрмамат Рустамов ҳаёти ва ижодига бағишланган “Шоирга эҳтиром” номли ижодий учрашув билан давом этди.

Бундай тадбирлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Навоий ва Сирдарё вилоят бўлимлари томонидан ҳам ўтказилди. Жумладан, Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят Ахборот-кутубхона марказида “Китобхонлик ҳафталиги” доирасида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, вилоят “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари тахририяти бош муҳаррири, соҳир ижод олами соҳиби шоир Бобоқанд Мирзо (Умаров)нинг “Иккимиз икки олам” деб номланган китоби тақдими бўлиб ўтди. Унда Навоий вилоятида яшаб ижод қилаётган таниқли шоир ва журналистлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, китобсевар ёшлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

“Китобсевар миллат” шиори остидаги маънавий-маърифий тадбирлар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

Маъзур тадбирларни ўтказишдан мақсад ёшлар ўртасида маънавий озуқа манбаи бўлган китоб мутлоасига қизиқшини оширишдан иборат. Зеро, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, баркамол шахсни тарбиялашда китобхонлик маданиятини оширишнинг ўрни беқиёсдир.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси  
Ахборот хизмати.



# МЕДИАСАВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШ ЗАРУР

Бугун ахборот асрида яшяпмиз. Шундай экан, хабарлар оқимининг тезлашиши ижодий янгиликлар билан бир қаторда, салбий характердаги ахборотлар ҳам тарқалишига сабаб бўлмоқда. Бундай вазиятда кишиларнинг медиасаводхонлик даражаси юқори бўлиши талаб этилади.

Шу ўринда савол туғилади: медиасаводхонликнинг ўзи нима?

Медиасаводхонлик — оммавий ахборот воситалари ёки ижтимоий тармоқлар орқали узатилаётган ва қабул қилинаётган кундалик ахборотни саралаш кўникмаларини, турли ахборотларни қабул қилгандан кейин ҳам ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қилиш, ахборот қаердан, ким томонидан ва нима мақсадда узатиляпти, ўзида кимнинг манфатларини акс эттиряпти деган тушунарларни шакллантиришга хизмат қилади. Медиасаводхонликнинг мақсади ҳар бир медианинг устуворликлари ва камчиликларини тушушган ҳолда улар томонидан тарқатилаётган ахборотни саралай билиш ва зарурини қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш бўлса, асосий вазифаси инсонлар томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай ахборотнинг манипулятив кучини англаган ҳолда ундан чегараланишдир.

Дейлик, ижтимоий тармоқда бирор хабар ўқидик: бу ахборотнинг қайси манбадан олинганлиги, расмий ёки фейк хабар эмаслигида ишонч ҳосил қилиш, бу — бизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади. Бу хабарларни ажрата билиш учун ҳам медиасаводхонлик керак. Афсуски, бугун орамизда ижтимоий тармоқлар орқали пул ишлаётган фирмаларнинг тузоғига тушаётганлар кам эмас. Фейк акаунтлар орғига беркинган устомонлар ва уларнинг найранглари ҳам кўпайган. Мисол учун, ҳозирда оғир дардга чалинганлиги, шу сабабли меросини сизнинг номингизга ўтказиб бермоқчи бўлгани, бунинг учун олдин қанчадир миқдорда пул ўтказиб беришингиз кераклиги ҳақида ёзадиган опа “Facebook” фойдаланувчиларига таниш

бўлса керак. Бу каби фирибгарлар ва уларнинг тузоғига илинаётганларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундай хавфдан ўзини-ўзи ҳимоя қила олиш чораларидан бири, бу — медиасаводхонликни кучайтириш деб ўйлайман. Зеро, ҳар томонлама саводхон бўлган кишига ҳеч қандай ахборот ёки фейк хабарлар хавф туғдирма олмайди.

Шу ўринда бир таклиф айтмоқчиман: ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аҳолида медиа технологиялар ва замонавий техникадан фойдаланиш, танқидий, мантиқий фикрлаш, ахборотни филтьрлаш кўникмаларини шакллантириш, рақамли технологиялар саводхонлигини ошириш мақсадида “Медиасаводхон” платформаси яратилса, ёшларимиз ундан самарали фойдаланиб, ижтимоий тармоқлардаги турли ахборот хуружларидан ҳимояланиш имконига эга бўларди.

Дунё микёсида оладиган бўлсак, ривожланган давлатларда медиатаълим аллақачон алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда. Аслида, медиатаълим оммавий ахборот воситаларининг зарарли таъсири ва тенденцияларидан ҳимоя қилиш воситаси сифатида пайдо бўлган. Ушбу парадигмадан биринчи бўлиб 1930 йилларда Буюк Британия фойдаланган. Буюк Британия ва Австралияда медиасаводхонлик гуманитар фанлар мажмуасига алоҳида курс сифатида киритилган. Финляндияда эса медиа ва ахборот саводхонлиги йўналиши 1970 йиллардан бошлаб мактаб ва университетларда ўқитила бошланган.

Медиатаълим компоненти мактаб дастурига биринчи бор мустакил фан сифатида эмас, балки она тили, тарих, экология ва эстетик фанларга интеграция қилинган ҳолда киритилган. 2021 йилда эълон қилинган медиасаводхонлик индексига кўра, Финляндия “ёлгон хабарлар ва дезинформациянинг салбий таъсирига қарши туришда энг юқори салоҳиятга эга мамлакат” сифатида эътироф этилган ва индексида биринчи ўринни эгаллаган.

Швецияда медиатаълим 1980 йилдан бошлаб таълим муассасаларида алоҳида фан сифатида



ўқитила бошланган. Медиатаълим жорий этишдан асосий мақсад ёшларда оммавий ахборот воситаларининг хабарларини танқидий идрок этиш қобилиятини ривожлантириш, турли хил манбалардан олинган маълумотларнинг рост-ёлгонлигини ажрата олиш, шунингдек, томоша қилинган фильмлар ва телестасурлар ҳақида ўз фикрини билдириш қобилиятини шакллантириш бўлган. 2000 йилнинг кузидан бошлаб медиатаълим Швеция миллий ўқув дастурига расман киритилган.

Айрим мамлакатларда медиатаълимни кўшимча амалий машғулот тарзида киритиш, баъзи фанларнинг ўрнига ёки улар ўртасидаги оралиқ фан сифатида ўқитишга қарор қилинган, яъни дарсдан ташқари вақтда мактаб газеталари ва журналлари, радиоэшиттиришлар ва аудиовизуал маълумотлар яратилади; бу жараёнда иштирокчилар медиадан фойдаланишнинг турли усуллари билан бевосита танишиш имкониятига эга бўладилар.

Бу курсаткилардан хулоса шуки, аҳолининг медиасаводхонлигини оширишни мамлакатимизда ҳам кенг оммалаштириш керак. Чунки ахборот хуружи энг катта таҳдидлардан бирига айланган замонда ёш авлодни бузуқни гоялардан асраб-авайлаб, уларни миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар руҳида тарбиялашда медиасаводхонлик муҳим ўрин тутаяди.

Занжилой АБДУСАЛОМОВА

# ОЗАРБАЙЖОНГА САФАР ТААССУРОТЛАРИ

**1-6.** Барча соҳаларда, жумладан, икки мамлакат оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳам ривожланиб бормоқда.

Боқудай илк тадбиримиз Озодлик ҳамда Нажав Наримонов кўчалари кесимида қад ростлаган буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш ва улуғ бобомиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш бўлди.

Мулоқот жараёнида мезбон ҳамкасблар, самимий йиғитлар — Озарбайжон Матбуот кенгаши бошқаруви аъзоси Ҳажибей Ҳайдарли, "Editor.az" медиа гуруҳи раҳбари Фарид Шаҳбази, "Azxeber.com" медиа гуруҳи бош директори Афсаладдин Агаларов билан янада яқинроқ танишдик, уларга олиб борган совғаларимизни тақдим этдик. Озарбайжонлик ҳамкасбларимиз ва гул қўйиш тадбири баҳона учрашиб қолган боқуликлар билан Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди хусусида суҳбатлашдик, ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқидик. Озарбайжон халқининг Навоий ижодига бўлган ҳурмати, айниқса, бобомизнинг озар тилида ўқилган ғазаллари икки туркий халқнинг ўзаро чамбарчас маданияти, тарихий илдизларининг туташлигини яна бир бор намоян этди.

Кези келганда айтиш лозимки, дунё тан олган улуғ бобомиз хотирасига ҳурмат рамзи сифатида 2008 йилда бўлиб этилган мазкур ёдгорлик муаллифи ўзбек архитектори Равшан Миртожоев ҳисобланади. Ушбу ҳайкалнинг тантанали очилишида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ҳамда Озарбайжон давлати раҳбари Илҳом Алиевлар иштирок этган.

Мезбон ҳамкасбларимиз ҳамроҳлигида Боқунинг диққатга сазовор жойлари ҳамда маданий масканлари билан танишишимиз жуда мароқли бўлди. Самолётда деярли икки ярим соат парвоз қилиб, салкам уч минг километр масофани орта қолдириб келганимизга қарамадан ҳаммамизнинг кайфиятимиз юқори, шу сабабли йўл чарчого ҳам сезилмаётган эди.

— Журналист дунё кўриши керак, шунда у ўзи ёзаётган материални кенгроқ таҳлил қилиш ва таққослаш имкониятларига эга бўлади, — деди "Тонг юлдузи" газетаси бош муҳаррири Феруза Одилова. — Биз, медиа соҳа вакилларига ана шундай — хорижга чиқиш, чет эллик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиш учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берган давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевдан, қолаверса, Уюшмаимиздан миннатдоримиз.

Сафар дастуриимизга кўра, куннинг иккинчи ярмида Озарбайжоннинг тарихий шаҳри Ганжага йўл олдик. Бақудан Ганжагача йўлнинг раволиғи ва кенглиги диққатимизни тортди. Автотуб ойнасидан ён-атрофни томоша қилиб кетар эканмиз, автомобил йўлининг икки четида жойлашган яқка тартибдаги уйлар ўзимизнинг ҳовлиларга ўхшашлигини кўрдик.

Беш соатдан кўпроқ юриб, шом пайти Ганжага етиб келдик. Шаҳарга кириш йўли ўртасидаги (бир неча километр) устунларда Озарбайжоннинг тинчлиги ва озолигини, чегараларни дахлсизлигини таъминлаш йўлида жон фидо қилган юзлаб шу юрт ўғлонлари — қаҳроманларининг суратлари жойлаштирилганига кўзингиз тушади. Шахсан ўзим дунёнинг унга яқин давлатига борган бўлсам, айнаи кунгача ҳеч жойда бундай манзарани кўрмаган эдим.

Маълумки, Ганжа шаҳрининг қоқ марказидан Ганжа дарёси оқиб ўтган. Айтишларича, тарихда унинг бир қирғоғида озарбайжонлар, бир қирғоғида арманлар яшаган. Тақдир тақозоси билан йиллар давомида арманларнинг кўпчилиги бошқа жойлардан кўним топишган. Шу манзилда яшаб қолганлари озар халқи билан қу-да-анда бўлиб кетишган.

1141 йили Ганжа дарёси бўйидаги қишлоқлардан бирида улуғ мутафаккир Низомий Ганжавий туғилганидан



жабарингиз бор. У фалсафа, мантук, астрономия, математика сингари фанларни пухта эгаллаган, "Хамса" достонини яратган. Шарқ адабиётида ўзига хос ўринга эга буюк шоирнинг асл исм-шарифи Абумуҳаммад Илбс ибн Юсуф ибн Закий Муайяд бўлиб, Навоийдан тортиб барча ўзбек шоирлари Низомий Ганжавийни ўзларига устоз деб билишган.

21 апрель куни эрталабдан гуруҳимиз билан Ганжа шаҳридаги Низомий Ганжавий ва унинг отаси — Юсуф, отаси — Раисанинг қабрларини, улуғ мутафаккирга бағишлаб қурилган мажмуа худудини зиёрат қилиб, бу ердаги музей экспонатлари билан яқиндан танишдик. Ҳамкасбларимиз билан музейдан чиқиб кетар эканмиз, Навоий бобомизнинг қўйидаги мисралари ёдимга тушди:

*Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасига панжа урмоқ...*

Кейинги манзилимиз — Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчихонаси томонидан Ганжада икки кун аввал очилган консуллик бўлими бўлди. Яқинда — дам олиш куни бўлишига қарамадан бизни консуллик ходими Элнур илиқ кутиб олди ва бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан таништирди. Таъкидланганидек, ушбу консуллик ўзбекистонлик илк меҳмонлар сифатида бизни — юртимиз медиа соҳа вакилларини қарши олди. Консулликнинг очилиши Ганжа шаҳри ва унга туташ худудларда истикомат қиладиган ўзбекларга ҳар жиҳатдан катта қулайлик яратди.

Ганжада 450 гектар майдонни эгаллаган Ҳайдар Алиев боғи, унинг худудиди шу номдаги марказ борлигини кўпчилиги яқши билади. Мазкур марказ ва боғ худуди билан яқиндан танишган, Боқуга йўл олдик. Озарбайжон пойтахтига кириб келганимизда қоронғи тушганди. Меҳмонхонага жойлашдик. Тонда Боқуга учиб келган Уюшмамиз қошидаги Еш журналистлар кенгаши раиси Шухрат Орипов ҳам гуруҳимизга кўшилди. Бу ажойиб инсон ўзининг ҳазил-мutoйибалари билан барчамизга янада кўтаринки кайфият улашди, десам хато бўлмайдди.

Эртаси куни давлат расмий наشري — "Озарбайжон" газетаси тахририятида бўлдик. Мазкур газета бош

зил — машҳур "Бриллиант қўл" фильмидаги "Чёрт побери" эпизоди олинган жойни ҳам бориб кўрдик.

Кун бўйи бизга ҳамкасбимиз Рашад Межид ҳамроҳлик қилди. У меҳмонхонага қайтишимиз арафасида гуруҳимизни Озарбайжон Республикаси Президентининг Ишлар идораси мурассилигидаги "Халқ газети" тахририятига бошлади. Кечки соат 22:00 лар бўлишига қарамадан газета тахририятида иш қизғин эди. Ҳар куни 4 минг нусхада чоп этиладиган ушбу тахририят ижодий жамоасининг иш ва саҳифалаш жараёнлари билан танишиш асносида "Халқ газети"нинг янги сониди бизнинг Озарбайжонга сафаримизга оид материаллар берилмаётганидан хабардор топдик ва бундан мамнун бўлдик.

Хитойнинг "Синьхуа", Туркиянинг "Анадолу" ахборот агентликлариди бўлган эдим. Озарбайжонга сафаримиз доирасида "Azertac" да ҳам бўлиш насиб қилди. Агентлик фаолияти билан танишдик, раҳбари билан суҳбатда бўлдик.

— Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари билан ахборот соҳасида ҳам, бошқа йўналишларда ҳам, хусусан, болаларга мўлжалланган ахборотларни етказиб бериш бўйича ҳамкорлик қилишимиз мумкин, — деди "Azertac" директорлар Кенгаши раиси Вугар Алиев. — Агентлигимиз ўзининг махсус портали орқали болалар учун қизиқарли контентларни тақдим этади. Ҳамкорликдан қўзланган асосий мақсадимиз ўзаро самарали ахборот алмашинувини таъминлашдан иборат бўлиб, "Azertac" бу йўналиш бўйича саъй-ҳаракатларни амалга оширишга тайёр.

Сафаримиз доирасида Озарбайжон медиани ривожлантириш агентлиги ҳамда "БокуТВ" иш жараёнлари, ушбу медиа ташкилотларда фаолият олиб бораётган журналистлар билан яқиндан танишуларимиз, тажриба алмашув мулоқотлари, Евросоюз матбуот фондида Хусан Эрматов томонидан пиширилган ўзбек паловини тайёрлаш жараёнларидаги суҳбат самимият ва меҳрга тўла кечди. Евросоюз матбуот фонди директори Умид Мирзаев билан мулоқотимизда мазкур жамғарма молиялаштириши мумкин бўлган лойиҳалар бўйича фикр алмашиб, ҳамкорлик қилишга келишиб олдик.



Ozab jurnalistlar "Xalq gazetesi"nda

Ўзбекистонда миллий журналистиканинг ривожланиши бўйича Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг I миллий маърузасида Уюшма хорижий давлатлардаги медиа ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши белгиланган. Ушбу вазифа ижроси доирасида ўтган йили Умумхитой Журналистлар ассоциацияси, Туркия Журналистлар федерацияси билан ҳамкорлик меморандумлари тузилган эди. 22 апрель куни Боку шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан Озарбайжон Матбуот кенгаши ўртасида ҳамкорлик келишуви имзоланди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар ижроси самаралари, ўзбек ва озар халқларини азалий дўстлик, қардошлик ришталари ўзаро боғлаб туриши ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон ва Озарбайжон оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустақамлаш, икки мамлакат ОАВ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтариш каби масалалар хусусида фикр алмашилди.

Озарбайжон Матбуот кенгаши раиси Рашад Межид халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалиши, анъаналар, маънавий қадрият ва маданиятларимиз муштараклиги, Ўзбекистон ва Озарбайжон журналистларининг ҳамкорлик истиқболлари, уларнинг самарали тажриба алмашинуви юзасидан ўз фикрларини билдирди. Тадбир якунида Озарбайжон Матбуот кенгаши раиси Рашад Межидга Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг совғаси топширилди.

Имзоланган ҳамкорлик меморандумига кўра, дўстона муносабатларни мустақамлаш, ўзаро тажриба алмашиш, биргаликда халқаро конференциялар ва матбуот анжуманлари ўтказиш, пресс-турлар ташкил қилиш, Ўзбекистон ва Озарбайжон оммавий ахборот воситалари ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилишини қўллаб-қувватлаш каби қатор вазифалар кўзда тутилган.

Ушбу расмий тадбирдан кейин ҳамкасблар ўртасида самимий мулоқот бўлди. Шундан сўнг икки қардош юрт оммавий ахборот воситалари вакиллари тунги Боқуну, эски шаҳар — "Ичкери шаҳар"ни сайр қилдик. Озарбайжонга келган сайёҳлар бориб расмага тушадиган, барчангизга маълум ман-

## ХОРИЖ

### АЁЛЛАР БОШҚАРУВИДАГИ ДРОНЛАР

Украина тарихида биринчи марта дронлардан фойдаланадиган кўнгиллилардан иборат аёллар бўлими ташкил этилди. Улар муҳофаза кучлари билан ҳамкорликда авиатехникадан фойдаланади. Бу ҳақда "Днепр Оперативний" хабар берди.



"Сантьяго ордени" дронлар ротаси кўмондони Игор Луценко дронлар билан ишлаш техник саводхонлик, эҳтиёткорлик, аниқлик, асосийси, муҳандислик кўникмалари ва ижодий тактик фикрлашни талаб қилишини айтди. У аёллар дронлар бўлимига бир неча босқичдаги саралашдан кейингина қабул қилинишини билдирди. Ушбу соҳадаги олдинги тажриба ҳам инobatга олинади, яъни дронларни ёки шунга ўхшаш тизимларни ишлатиш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, ҳарбий хизмат ўтаганлик, электроника ва дастурлаш бўйича ишлаганлик.

Украина аёлларнинг ҳарбий қисмларини шакллантириш тажрибасига эга. Хусусан, биринчи украиналик аёллар бўлими Биринчи жаҳон урушидан олдин Украина ўқотарлари сафида ташкил этилган. Дунёдаги энг машҳур аёллар бўлимлари билан бири Британия аёллар қироллик ҳаво кучларидир.

### АФҒОНИСТОН УЧУН ЁРДАМ

Европа Иттифоқининг Осийё департаменти раҳбари "Толибон" ҳукуматининг вакили билан ўтказилган учрашувда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун 20 миллион евро, афгон тадбиркорлари ва ишбилармон аёллар учун кичик кредитлар тақдим этиш мақсадида 11,8 миллион евро ажратилганини эълон қилди.



Мазкур учрашувда "Толибон"нинг иқтисодий вазири раҳбари Европа Иттифоқи вакиллари билан Афғонистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши юзасидан музокаралар олиб борди. Европа Иттифоқининг Афғонистондаги фаолиятида атроф-муҳитни сақлаш бўйича режалаштирилган лойиҳалар ҳам илгари сурилади. Бу лойиҳалар доирасида афгон халқи, айниқса, ишбилармон аёллар ва тадбиркорлар учун янги имкониятлар яратилиши кутилмоқда.

Мазкур музокара жараёнида "Толибон" вакили Европа Иттифоқининг Афғонистонга йўналтирилган ёрдами ва хусусий секторнинг иштирокини олқишлаб, уларнинг афгон оилаларининг иқтисодий фаровонлигини яхшилашдаги ролини таъкидлаган. "Толибон" вакили лойиҳаларни Афғонистоннинг иқтисодий устуворликларига мослаштириш борасида Европа Иттифоқини ҳамкорлик қилишга чакирди.

### ГААГА СУДИ ИСРОИЛ ҲАРАКАТЛАРИНИ ТЕКШИРМОҚДА

Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху Газо бўйича ҳаракатларидан ҳавотирда, чунки у Гагадаги Халқаро жиноий суд томонидан ҳибсга олиниши мумкин. Бу ҳақда "Euronews" хабар берди.




Нетаньяху ушбу ҳолатнинг авж олмаслиги учун ҳаракат қилар экан, Исроилда ҳукуматга қарши оммавий норозиликлар кузатилмоқда. Хусусан, намойишчилар ҳукуматдан ҲАМАС томонидан гаровга олинган шахсларни қутқариш учун янада фаол чоралар кўришни талаб қилмоқда. Аввалроқ АҚШ президенти Жо Байден ва Нетаньяху ўртасида ўтказилган музокаралар чоғида гаровга олинганлар масаласи кўтарилган эди. Учрашув давомида Исроилнинг Рафаҳдаги эҳтимолий амалиётлари ҳам муҳокама қилинган.

Фаластин раҳбари Маҳмуд Аббоснинг фикрича, агар Исроилнинг ҳужуми амалга ошса, бу Фаластин халқи тарихидаги энг катта фалокат бўлиши мумкин. У Исроилни ҳужумларни тўхтатишга чакирган. Рафаҳда ҳозир Газа аҳолисининг яримдан кўпи истикомат қилади. Кўпчилиги тўйиб овқатланмасликдан азият чекмоқда.

### "МОНА ЛИЗА"НИНГ ЯНГИ МАНЗИЛИ

Леонардо да Винчининг машҳур асарларидан бири "Мона Лиза" Франциянинг Лувр музейида одатдаги жойидан кўчирилиши мумкин. Бу ҳақда "News.ru" хабар берди.



Маълум бўлишича, музей раҳбарияти асарни музей меҳмонларининг норозилигига биноан ерошти хонасига кўчиришни режалаштирмоқда. "Мона Лиза"ни алоҳида хонага кўчириш оммавий норозиликларга барҳам бериши мумкин, — дейди Лувр директори Лоренс де Карс. Сўровларга кўра, зиёратчилар "Мона Лиза"ни кўриш йўлида дуч келадиган қийинчиликлар туфайли норозилик билдирган. Ўн олтинчи асар италян расмолари кўргазмаси куратори Винсент Делевин меҳмонлар учун асар почта маркази каби кичик кўришни мумкинлигини, чунки у меҳмонлардан ачча узоқда жойлашганини тасдиқлаган. Луврга аввал ҳам "Мона Лиза"ни ва музейдаги бошқа санъат ёдгорликларини ёқиб юбориш ҳақидаги таҳдидлар келиб тушган.

Интернет маълумотлари асосида Ислоҳ ЭҒАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

Холмурод САЛИМОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси  
раиси в.б.  
Тошкент — Боку — Ганжа — Боку — Тошкент

## ТАЪЛИМ

Кутубхоналар қадим замонларданоқ жамият ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланган. Фақат кутубхоналар туфайлигина қадимги қўлёзмалар, босма китоблар, тарихий шахслар ҳақидаги манбалар бизгача етиб келган. Бундан ташқари, миллат равнақи, мамлакат тараққиёти, илм-фан ривожланиши, кадрлар салоҳиятини оширишда кутубхоналарнинг ўрни беқиёсдир.

Ҳозирда илм-фан ва ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) жадал тараққий этиб бораётган шароитда дунёнинг ривожланган мамлакатларида давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, sanoat, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, бандлик, қишлоқ хўжалиги, мудофаа, хавфсизлик, туризм, кутубхона ва бошқа соҳаларда замонавий ахборот технологиялари ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш урфга кирмоқда.



# КУТУБХОНАЛАРДА КОРПОРАТИВ ТИЗИМЛАР

Таълим муассасаларида замонавий билимлар бериш бевосита кутубхоналар фаолиятига ҳам боғлиқ. Кутубхоналарнинг замонавий жамиятдаги ўрни, асосан, уларнинг таълим ривожига қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Кутубхона деганда кўп жабҳаларда: таълим, маданият ва давлат қурилишида етакчи роль ўйнайдиган махсус ижтимоий муассаса тушунилади. У ижтимоий институт сифатида жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини энг юқори даражада қондиради. Агар яқин вақтга кутубхона анъанавий маданият ва маънавий мероснинг рамзи бўлган бўлса, энди у энг янги технологиялар қўлланиладиган асосий жойлардан бирига айланмоқда.

Китоблар электрон шаклга ўтказилиб, бирор дастур иловаси ёки алоҳида сайтларга жойлаштирилиши фойдаланувчиларга уларни тезроқ топиш, бир вақтнинг ўзида бир жойда туриб, бир неча кутубхона базалари билан танишиш, улардан фойдаланиш имкониятини беради, шунингдек, босма китобга кетадиган харажатларни камайтирган ҳолда унинг кўпроқ фойдаланувчига етиб боришига хизмат қилади. Яхши маълумки, нодир китобларнинг босма нашрлари жуда кам, аммо уларга талаб бир неча баробар юқори. Шу боис босма нашрлар ва нодир китобларни электрон шаклга ўтказиб, уларни келажак авлод учун асраб, сақлаб қолиш, кенгроқ тарғиб қилиш учун кутубхоналарда "Электрон кутубхона" деб номланган дастурларга бириктириб қўйилмоқда.

Бутун дунёда электрон кутубхона ахборот технологияларини жорий этишнинг ажралмас қисмига айланиб борапти. Америка университетларининг кутубхоналари узоқ вақтдан бери электрон кутубхонага айлантирилган. Электрон кутубхона бу шунчаки рақамлаштирилган китоблар, даврий нашрлар, аудио ва видеоматериаллар тўплами эмас. Булар мавжуд маълумотларнинг барча турлари (телефон, радио, телевидение, кино ва босма материаллар — китоблар, журналлар, газеталар, илмий ишлар)ни бирлаштирган корпоратив тақсимланган ахборот тармоқларидир. Бундай кутуб-



хона сўроғга жавобан турли билим соҳаларидан маълумотларни олиш имконини беради.

Корпоратив тармоқ, бу — бир ташиқлотнинг (корпорациянинг) турли тугунлари ва бўлимлари ўртасида маълумотлар, ресурслар ва алоқа алмашиш учун мўлжалланган яхлит ахборот тармоғидир.

Корпоратив тармоқ ускуналари маълумотларни узатиш учун барча шахсий компьютерларни битта жисмоний воситага улаш учун ишлатилади.

Корпоратив тармоқлар глобал ёки маҳаллий бўлиши мумкин. Ҳозирда дунё миқёсида кутубхоналар ўзларининг кенг фойдаланувчилари учун Интернет глобал тармоғидан корпоратив тармоқ сифатида фойдаланиб, унда ўз корпоратив сайтларини жойлаштирмоқда. Бу фаолият ўтган асрнинг 90-йилларидан бошланган.

Корпоратив веб-сайт компаниянинг маҳсулот ва хизматларини мижозларга, инвестор-

ларга, ҳамкорларга, потенциал ходимларга электрон тақлиф қиладиган ва улардан ҳамкорлик қилиш учун онлайн аризаларни тўплашга ёрдам берадиган асосий платформадир.

Корпоратив кутубхона жамоанинг яхлитлиги ва компаниянинг барча ходимларининг ягона ахборот базасига содиқлиги кўрсаткичи сифатида ходимлар ўртасида ўзаро тушунишни таъминлаш учун ягона ахборот муҳити сифатида тавсифланади.

Бу жараёнлар ўз навбатида Ўзбекистон олий таълим муассасалари кутубхоналар фаолиятида ҳам ўзгаришларга олиб келди ва натижада "Ягона таълим ахборот муҳитини ривожлантириш" мақсадида ягона "unilibrgy.uz" корпоратив сайти ташкил қилинди, у тўлдирилмоқда ва такомиллаштирилмоқда. Порталга қўйиладиган муайян талаблар қуйидагилардан иборат: 24 соат давомида ишлаш; ахборот ресурслари таълимнинг барча даражаларига

мос келиши; сертификатланган ресурсларни киритиш. Унга олий таълим муассасалари кутубхоналари ўз босма нашрларини электрон шаклга ўтказиб қўйишмоқда. Чунки кутубхоналар фондидаги асосий китоблар илгари нашр этилган, уларни электрон шаклга ўтказиш керак бўлиб, бу рақамлаштирилган ресурсларни қайта ишлаш хизмати томонидан амалга оширилади. Бу жараёнда сифатсиз сканер қилинган китоблар устида ишланади, электрон кўринишда тозаланади, ранг берилади. Китоб, газета, авторефератлар, нодир нашрлар электрон шаклга ўгирилиб, сайтга жойланиб, китобхонага тақдим этилмоқда.

Натижада таълим муассасалари кутубхоналарининг ахборот ресурслари ягона маданий ахборот-маърифий маконининг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқда, кутубхоналарнинг ўзи эса маҳаллий ва глобал ахборот-ресурсларидан фойдаланиш имконини берувчи ахборот-таълим марказларига айланмоқда.

Янги ахборот технологиялари таълим муассасаларининг маҳаллий ва глобал тармоқ даражасида ўзаро таъсир ўтказиш имкониятини очди. Улар таълим сифатини сезиларли даражада оширади. Корпоратив омил шахсларо ва касбий муносабатларга тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда, улар ўзаро муносабатларнинг янги шакллари: ассоциациялар, консорциумлар, турли кутубхоналар бирлашмалари орқали амалга оширилади.

Бухоро муҳандислик-технология институти ахборот-ресурс маркази ходимлари томонидан институт профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшларнинг кундалик ҳаёт маълумотлари ҳамда турли савол ва сўровларини электрон таъминлаш мақсадида "БухМТИ электрон кутубхонаси" расмий чат гуруҳи канали фаолият юритиб келмоқда. БухМТИ электрон кутубхона сайтида эса 9344 номда дарслиқлар, ўқув қўланмалар, маъруза матнлари, ўқув-услубий курсатмалар, бадий адабиётлар жойлаштирилган.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазир-

лигининг 2022 йил 13 июлдаги 225-сонли буйруғига асосан АРМ фондидаги ўқув ва илмий адабиётларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш ҳамда вазирлик ҳузурда ягона "Электрон кутубхона" платформасига киритиш ишлари 2022 йил 5 августдан бошланди. Ҳозирги кунга қадар 11421 номдаги адабиётлар нусха олувчи қурилмалар орқали электрон шаклга ўтказилди. "PDF" форматда "unilibrgy.uz" платформасига иччамлаштириб киритилди. Платформага киритиш ишлари бўйича АРМ ходимларидан 6 нафари масъул этиб тайинланди. Институт профессор-ўқитувчилари ва талабалар платформадан қандай фойдаланиш ва унга аъзо бўлишлари бўйича видео тақдимот тайёрланди ҳамда телеграм каналларига жойлаштирилди. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг вақтини тежаш ҳамда электрон ресурслардан фойдаланишлари учун "Электрон кутубхона" платформасига 9774 номда ўқув қўланма ва дарслиқлар, 1017 номда илмий диссертациялар, 630 номда монографиялар киритилди. Фойдаланувчилар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги қошидаги 136 та ОТМ АРМларининг платформасига киритилган адабиётларидан эркин фойдаланиш имкониятларига эга.

Шунга таъкидлаш кераки, олий таълим муассасаси кутубхоналарининг аҳамияти ортиб бормоқда ва у нафақат кутубхона фонди кўрсаткичлари ва обуна бўлган даврий нашрлар сони, балки ахборотдан кенг фойдаланиш билан ҳам белгиланади. Замонавий олий таълим муассаса кутубхонаси мураккаблик тамойиллари, анъанавий ва электрон ресурслар турларининг оқилона комбинацияси, фойдаланувчиларнинг ахборот эҳтиёжларини қондириш, ўз фаолиятидаги динамикилик ва амалийлик билан ажралиб туради, бу эса корпоратив институтларнинг самарали ривожланиши ва ҳамкорлиги учун барча талабларга жавоб беради.

Мавжуда ХУСЕНОВА,

Бухоро муҳандислик-технология институти  
Ахборот-ресурс маркази директори.



ШЕЪРИЯТ

# Мени деб очилмиш бахтнинг чиройи...

\*\*\*  
Гул этар, гулгун этар,  
Қатлимни харх беун этар.  
Бунча мани афсун этар —  
Ҳийлоя ошиғ бўлмишам.

Қонимда қайнар сўзлари,  
Жонимда ўйнар гизлари.  
Воҳ-воҳи жоду кўзлари —  
Ялдоя ошиғ бўлмишам.

Айт, кимни бу дард йиқмағай,  
Дўст банд ҳеч йўлиқмағай.  
Ҳарғиз саводим чиқмағай —  
Имлоя ошиғ бўлмишам.

Куйдим боқиб, куйдим боқиб,  
Суйдим боқиб, суйдим боқиб,  
Сўнг мавжид кетдим оқиб —  
Дарёя ошиғ бўлмишам.

Воҳ, қандай бу ишқ нобино  
Қилди, ақли-хушдин жудо.  
Махтумқули, айланг дуо —  
Тарсоя ошиғ бўлмишам.

Бағрингич оч, йиғлай тўйиб,  
Ёр нақш чекар, дилни ўйиб.  
Дод!  
Шунча боғларни кўйиб —  
Сахроя ошиғ бўлмишам...

Ҳажрида ёнганда жим,  
Келди фалақдин минг илм,  
Эй, Санобарким, қадим —  
Савдоя ошиғ бўлмишам.

\*\*\*  
“Ер-эй”, дедим, ёрлиққа  
Имо мени келтирди.  
Бу қадимий борлиққа  
Худо мени келтирди.

Келдим, ўртаниб келдим,  
Сенга ўрганиб келдим,  
Мен сени таниб келдим,  
Видо мени келтирди.

Бошдан-оёғим жунун,  
Бошдан-оёғим фунун,  
Сендай беморим учун  
Шифо мени келтирди.

Мен келдим, розим билан,  
Дилда Ишқ созим билан,  
Қадимий нозим билан  
“Хавво” мени келтирди.

Сени севганим ёлгон,  
Бу дард қилди саргардон,  
Қолу балодан қолгон  
Савдо мени келтирди.

Келдим, билмасдан келдим,  
Сенга келмасдан келдим,  
Мен ахир ошиқ эрдим,  
Бежо мени келтирди.

Мен чекдим риёзатлар,  
Сен қилдинг маломатлар,

Бу сирли холу хатлар —  
Имло мени келтирди.

Кел энди, эй Сайидим,  
Кўнглинг кўнгул уммидим,  
Қабул бўлгач сужудим —  
Дуо мени келтирди.

Ҳамд айт, Тангри — Ҳотамга,  
Ёш тўлдирди дийдамга,  
Сендай ношуд одамга —  
Ато мени келтирди.

Ям-яшил тил билан роз айтди Баҳор,  
Ғунчаларга ёқди шамолнинг пойи.  
Бунча “нағма”ларга, айтгин, нима бор —  
Мен бир хиргойиман, содда хиргойи.

Кўзларимда йиғлар гўзал ҳодисот,  
Мен хусннинг шоҳи, меҳр гадоий.  
Бағримдан қон янглиг куй сизар ҳайхот —  
Мен бир хиргойиман, буюк хиргойи.

Шақлидан минг чандон гўзал шамойил,  
Рухида базм этар сирлар анвойи.

## ЖУНУН МЕВАЛАРИ

Жуда баланд парвозлаганда у ёзгандаки:

**Тариқатлар чарчатди мени,  
Маърифатлар чарчатди мени...**

Бу жунуний икромга ишонмай бўладими?

Рухи Ишқ билан оғриган шоиранинг шеърлари менга негадир Фуруғ Фаррухзодни эслатгандек бўлаверади. Эҳтимол, уларнинг ҳар иккиси ҳам ўта дардли, Ишқпараст бўлганлиги учундир. Фуруғнинг бошдан охир ишқий шеърлари бир қарашда сой тубида ётган харсанглардай вазим кўринса-да, ички бир шиддат билан ёзилганини ҳис этиб турасан. У ўта саркаш. Санобар Меҳмонда эса акжиб бир туркий орифона жўшқинлик бор. Унинг ёзганларини беихтиёр куйлашинг мумкин.

“Май бўлким фақат, ахли жунун нўш айласин”... Бу Санобар номли ошиқнинг шиори.

У қандай ёзишни билади. Туйғу-

лари, ҳиссиётлари аънавий шеър қоллипларига сиғмай қолганда, шеърнинг темир андозаларини бузгани рост. Бу саркашлик унинг бегубор шеърларига ярашади. Унинг дил оғриқлари ўта самимий ва қайноқ.

Домла Нажмиддин Комил ҳали ҳеч ким пайқамаган талабанинг шеърларини суриштиради. Дафтар ҳошияларида, китоб муқоваларида узук-юлуқ ёзилган шеърларни кўчириш ажойиб шоир Аскар Маҳкам чекига тушади. Бу ўзига хос муҳаба эди.

Шундан сўнг Санобар: “Ун йиллар шеърдан узоклашдим”, деб ёзади. Ишонгимиз келмайди. Аксинча, у шеър оламининг ичига янада чуқурроқ кирган. Ошиқнинг ўн йиллик сукути камида саратонда момақалдироқ гумбуралини эслатади.

Бугун Санобар бир-бирдан жўшқин, бир-бирдан дардли шеърлари асосида муҳлислар кўнглига кириб бора-япти.

Алишер НАРЗУЛЛО

Қолу балодан қолгон  
Савдо мени келтирди,  
Сени сенга танитсин деб —  
Мавло мени келтирди!!!

\*\*\*  
Рангин дунёғизда менга нима бор,  
Кийганим адрасми ё ипак шойи?  
Рухимда йиғлайди дарвешона мунг —  
Мен бир хиргойиман, ҳазин хиргойи.

Ишқим Худойимга битган мактубим,  
Бошимда минг савдо, дилбар савдойи.  
Кел, менга шивирла, азизим —  
Мен бир хиргойиман, гўзал хиргойи...

Сен билан биргаман, эй покиза сўз,  
Гарчанд, юрагимда сукут анвойи.  
Ҳарғиз англамадинг, сезмадинг, афсус —  
Мен бир хиргойиман, қадим хиргойи.

Менсиз сабил қолар куйларинг, эвоҳ,  
Оҳангинг алмоий-алжойи.  
Тангрим сенга мендан берганиди сабоқ —  
Мен бир Хиргойиман, буюк хиргойи.

Сиз бир куйлаб кўринг, дегайсиз қойил —  
Мен бир хиргойиман, суюк хиргойи.

Чиғаноққа кириб, дурга айланган,  
Зулматни маҳв этиб, нурга айланган.  
Сўнгра ерга тушиб,  
шеърга айланган —  
Мен бир хиргойиман, нафис хиргойи.

Бир нурман, фалақдан ерга ёғилган,  
Мени деб, очилмиш бахтнинг чиройи.  
Сенинг ҳажринг билан руҳим бўғилган —  
Мен бир хиргойиман, мунис хиргойи.

Сен сира ўксима, девона дилим,  
Бир қўшқ бўламыз, ишқдай анвойи.  
Пичирла, севгилим, куйла, севгилим —  
Мен бир хиргойиман, латиф хиргойи.

Нафас янглиг ютдим ишқингни қойим,  
Рухимга шавак келмиш, сирли-ёввойи.  
Бир буюк авжларга кўтар, Худойим —  
Мен ҳам хиргойиман, сокин хиргойи.

Бир суюк мавжларга кўтар, Худойим —  
Мен бир хиргойиман, буюк хиргойи.

Санобар МЕҲМОН



\*\*\*  
Мен осмон, сен осмон, ердир аролиғ,  
Жонимни берайму кўзи қаролиғ,  
Бу не ҳижрон бўлди, бу не жудойи —  
Худо иккимизни бирлаштирарму?  
Найқамишлар каби сирлаштирарму?

Сен кетма, кетмоғинг аён бўлса-да,  
Ортиндан кетурман  
қаён бўлса-да,  
Бу замон айролиғ замон бўлса-да —  
Тангрига айт, бизни бирлаштирсин-да,  
Найқамишлар каби сирлаштирсин-да.

Мен келдим, ҳазондай сарғариб келдим,  
Билмайсан, бир мушфиқ, бир ғариб келдим,  
Дунёга мен сени ахтариб келдим —

Энди Оллоҳ бизни бирлаштирмасму?  
Найқамишлар янглиғ сирлаштирмасму?

Шу дамдан ўзгаям дамим бор мани,  
Кўзингдай қоп-қора гамим бор мани,  
Кел, тўлдир, минг битта камим бор мани —  
Кошки, Худо бизни бирлаштирсайди,  
Найқамишлар мисол сирлаштирсайди!

Ишқимни ишқинга бепаб оларман,  
Ҳажрингда васлимни элаб оларман,  
Мен сени махшардан тилаб оларман —  
Раббим, охирадта бирлаштирганда,  
Найқамишлар каби сирлаштирганда.

Кет, чарх! Менга сендай гардун керакмас,  
Ишқ керак, ўзга ҳеч мазмун керакмас,  
Менга сен кераксан,  
Мажнун керакмас —  
Лайлолар ҳолидан сирлаштиргайму?  
Парвардигор бизни бирлаштиргайму?

Мен осмон, сен осмон,  
ердир аролиғ,  
Жонимни берайму, кўзи қаролиғ...

ТУҲФА

# КИТОБ — МЕНИНГ ДЎСТИМ

“Китобсевар миллат” шиори остида  
IV республика “Китобхонлик ҳафталиги”  
тадбирлари бўлиб ўтди

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Хоразм вилояти худудий бошқармаси ҳамда Маҳмуд Замахшарий номидаги Хоразм вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида “Китобсевар миллат” шиори остида IV республика “Китобхонлик ҳафталиги” тадбирлари ўтказилди.

Мана, бир неча йилдирки, апрель ойда мамлакатимизда Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг тўртинчиси сифатида ёшлар маънавиятини юксалтириш, ўсиб келаётган ўғил-қизлар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

## ТАНИҚЛИ АДИБ ВА ДАВЛАТ АРБОБИ



IV республика “Китобхонлик ҳафталиги” доирасида Маҳмуд Замахшарий номи Хоразм вилоят ахборот-кутубхона марказида таниқли адиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов асарлари кўргазмаси ташкил қилинди. “Таниқли адиб ва давлат арбоби” номи мазкур кўргазмада эл севган атоқли ёзувчининг турли йилларда ёзилган асарлари намойиш қилинди.

— “Китобсевар миллат” шиори остида ўтказилаётган IV республика “Китобхонлик ҳафталиги” доирасида Маҳмуд Замахшарий номи вилоят ахборот-кутубхона марказида “Кутубхонага китоб совға қил” акцияси ўтказилди. Акция давомида Отабек Раҳимов, Зумрад Жумамуратова, Шарқия Эшжоновна каби ижодкорлар ўзларининг янги нашр қилingan китобларини, Зулайхо Хўжаннёзова, Қурбонжон Матжоновна, Отабой Раҳимовлар эса шахсий кутубхоналаридан китобларни совға қилдилар. — деди вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Раҳимбой Қурбонов.

— Буюк саркарда Амир Темур ҳазратлари китоб барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асоси ҳамда ҳаётни ўргатувчи мурабий эканлигини эътироф қилганлар. Ҳақиқатан ҳам, китоб буюк мураббийдир. — деди хоразмлик таниқли ёзувчи Шухрат Маткаримов. — Халқимизда қадим-қадимдан китобхонлик буюк фазилат саналган. Хатто кечалари китобхонлик давралари уюштирилган. Ҳаётимиз китоб ўқиш билан мазмунли кечади. Яхши китоб бизга тўғри ва аниқ йўлни кўрсатиб беради. Мутлоба маданияти бизни илмли қилади, тафаккуримизни бойити.

Маъзур марказда “Китобсевар миллат” шиори остида Ўзбекистон Миллий гвардияси вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда соҳибқирон, буюк саркарда Амир Темур сиймосига бағишлаб “Амир Темур бобомизга муносив авлод бўлайлик” ҳамда “Иқтидор” ёш ижодкорлар клуби томонидан ўзбек адабиётининг ириик наъояндларидан бири Абдулла Қодирий таваллудининг 130 йиллигига бағишлаб “Биринчи ўзбек романи” мавзуларида давра суҳбатлари ҳам ўтказилди.

## ЖУРНАЛИСТЛИКДАН — ЁЗУВЧИЛИККА

“Китобхонлик ҳафталиги” доирасида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда таниқли журналист, Хоразм телерадиокорпорациясида 50 йилдан зиёд фаолият кўрсатган ижодкор Бекпошша Хўжаеванинг “Олти дона булочка” — ҳикоя, эссе, хотираларидан иборат китобининг тақдими ўтказилди.

Марказнинг етакчи мутахассиси Ш.Маткаримов, насрнавис Б.Бобожонов, фахрий ўқитувчи Э.Шомуродов ва Бекпошша ошани яқинлари муаллифин янги китоби билан табриқлаб, тўплам ҳақида ўзларининг фикрларини билдирдилар. Бекпошша Хўжаева ҳамон журналистлар сифатида фаол эканлигини қувонч билан эътироф қилди. — Китоб орқали инсонларнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгаради, маънавий савияси юксалади. Юксак маънавиятга китоб орқалигина эришиш мумкин. Китоб ўқимаган миллатнинг келажаги йўқлиги аниқ ҳақиқат. Китобхонлик инсон маънавиятини кўзгусидир, — деди Ўзбекистон Қасрамони, Турлан туманидаги 5-сонли мактаб директори Анор Маҳмудова.

Маъзур ҳафтали доирасида мактабларимизда китобхонлик тадбирлари, китоб ярмаркаси ва китоб кўргазмалари бўлиб ўтди. Уқувчилар янги китобларни сотиб олдилар, кутубхоналаримизнинг китоб фонди янада бойиди. Истагимиз — ҳар бир оила фарзанди, ўқувчи ва ўқитувчилар ҳам китобхон бўлишсин! “Китобсевар миллат” шиори остида ўтказилган IV республика “Китобхонлик ҳафталиги” ниҳоясига етди.

Феруза ТАҒРИБЕРГАНОВА

НАСР

Қаҳратон. Музлама. Совуқ суяк-суякдан ўтади. Қиш осмон заминдаги ҳукмронлигини кўкларга топширгиси келмайди. Шундай бўлса-да, шов-шов, шим-шим қуяётган ёмғир изгирининг қаҳри-ғазабига бардош бера олмай келинади. Узини қор зарралари эгаллайди. Учиб-учиб, яйраб-яйраб, оппоқ, момик қор ерга қўна бошлайди.

Трактор моторининг бир оҳангда гуриллашдан бошқа ҳеч товуш қилоққа чалинмайди. Эсангелди фермер трактор муфтисини босиб, газ берди. Кабинада утирган бўлса-да, куннишди. Бадани жунжиқди. Ойнадан ташқарига мўралади. Гарчанд қорни тўқ, усти бут бўлишига қарамай, ичи ташвиш сандиғидай. Бунақа об-ҳавода молларнинг ҳоли не кечди экан? Ишқилиб оч, ваҳший бўрилар подага ҳужум қилмадимикан? Умуман олганда, дала-қирда яшаётганлар худди Эсангелдидек юраги қуш ҳадиги билан тепарди. Уни хаёл олиб қочди. Қишлоғига туташ тўқайзорда шоқоллар кўп бўлгучи эди. Шоқол ҳар тун емиш топши умидда ҳовли теварағида тентирарди. Аммо одамга яқин бўламасди. Инсон уни ўқ отиб ер тишлаши мумкин. Қўёш ботиб чор-атрофни қоронглик қоплаганда ёки тонг отар маҳалида жонивор тинмай “куйлайди”. “Куйлаши” қандайдир қийқириққа ўхшайди. Уша кунни қишлоқдоши Тўлқибой чўпон туш пайтида дўнг устида чўнкайиб ўтирган шоқолни кўрган. У гўёки ўзини ўзи мана мен деб кўз-кўз қиларди. Шунда чўпон қўлидаги сўйилга кўзи тушган шоқол тумтарайиқ қочди. Сал жойга бориб таъқибчиси келишини кута бошлади. Мабодо чўпон унга яқинлашгудек бўлса, дастлаб бикинидан, сўнг оёғидан тишлаб олишни ўйларди. Йиртқичнинг маккрона илжайган турки шундан далолат бериб турарди. Уни қувиб етган овчи калтак билан “сийлади”. Шоқол ақиллаб, фарёд кўтариб, калтак зарбига бардош берди. Нарироқдаги шериклари жоним-отим ёрдамга шошилади.

Шоқоллар баъзида итларни кутиб ўтиради. Иблисларни аҳмоқ қилишни, азоблашни, тилини осилтириб ҳаллоспаб югуришини томоша қилишни хуш кўришади. Борди-ю, йўлида майдарок ит учраса, шоқол тўдаси уни бир зумда парча-парча қилиб ташлаши ҳеч гап эмас. Хуллас, сурбет шоқол теварақ-атрофта томошага чиққан итнинг сайру саяҳатини боллаб бурнидан чиқаради, хумори ёқилади. Шунда ғолиблик шарбатини сипқорган шоқолнинг чакаги узок вақтгача тинмайди. Ховури босилгач, атрофига макко-

рона қараб қўяди. Аммо барибир тентакнамо ҳаракатларга узил-кесил чек қўйишни хаёлига келтирмайди.

Шоқолнинг туришини камина иблисининг илжайишига ўхшатаман. У тишларининг оқини кўрсатиб емиш топши илжинида узок изғийди. Шоқол галаси кучли, илдам ва жипс бўлади. Уларнинг ўз кучларини синаш учун имконияти етарли. Овози — беўхшов, думи тинмай лиқиллайди. Шоқолнинг жуни тикка-тикка... Йиртқич бўридек ириллайди. Товуқ, ўрдак, қўй-эчки деганининг шўрини қуритади. Имкони бўлса, шоқол ўзини қўрага уради. Шериклари бирон қор-қол воқеаликка қўнса, ташланниша шай алпозда ташқарида пойлоқчилик қилади.

# ОЛИШУВ (ҲИКОЯ)

Улуғбек ЖУМАЕВ

Болалиғидаги бир воқеа эсида. Ташқари зим-зиё. Тун одамни ютаман дейди. Шамол эсиб турибди. Бу паллада уйдан муқим бошлана бўлмайди. Уй ичкарисига қатор қилиб тўшақ солинган. Шунда ташқаридан йиги эшитилди. Уни чақалоқ овозидан фарқлаб бўлмайди. Қўриқ кетган онаси: “Тура қолинг, дадаси, кимдир чақалоқ қолдириб кетганга ўхшайди. Қора совуқда тўнғиб қолмасдан бурун уйга олиб келинг”, дейди бетеқат бўлиб. “Кампир (негадир отаси онасини ёш бўлса-да кампир деб атади), бесаранжом бўлма, бу овоз шоқолники. Жонивор оху зорини, аламу ситамини йиғига қоршичириб юборайди. Буни билмаган, сезмаган одам йиртқич макрига алданиб қолиши мумкин”, деди отаси. Онаси бу гапни эшитган: “Хайрият-а!” дея қўйлаги ичига тупуриб қўйди.

— Айёрликда, фириб беришда ҳеч бир йиртқич шоқолга бас кела олмайди, — дея отаси ҳикоясини бошлади. — Ушанда қиш эди. Жуванамиз ҳовлида арқонсиз юрарди. Бундан хабар топган шоқол галаси бузоқ онасидек “мў-мў”ларган овоз чиқариб ёнига чақиради. Бузоқча шалалоқ отиб борса, қаршида йиртқичлар... Оёқлари қалтираб, ўзини йўқотиб қўяди. Шунда шоқоллар уни тилка-пора қилиб ташлайди. Эртасига отаси бир неча киши билан шоқоллар пайгага тушди. Аммо уларни йўқота олмади. Товуқ, ўрдак, қурка, қўзи-ўлоқ, бузоқчага ҳужум қилишни қўймадилар. Қайдан бу ерга келибди-

лар? Семиз тўқли ўзига тортидимикан ёки очлик ҳиссиёти судраб келдимикан? Шу янглиғ ўйлар отасига тинчлик бермади.

Шу тобда кўнгли қандайдир нохуш воқеа шарпасини сезганди. Хаёлидан ўтганди...

Қўли трактордан бушағач, қамишзор ичида ўтлаб юрган моллардан хабар олмоқчи эди. Тракторнинг фил хартумига ўхшаб чўмичи силқиниб, шақиллаган овоз чиқарди. Бунга эътибор бермади. У ер музламай туриб уйга етиб олишни ўйларди. Шунда туянинг ўрқачини эслатувчи тўлқинсимон қир-адирлар адоғида хангисини қичаб келаётган ўғлини қўриб хавотирли ортди. Трактор юришини секинлатди. Эсангелди тракторни қир пастиди тўхтатди. Пастга сакради. У чада жойлашган. Тик ўсган қамиш-қиётзор ора-лаб юриш осон эмас. Қамишзор ичи ит бўйдан баландроқ буталар билан қопланган. Сағина эҳтиётсизлик қилинса, қўлинг ва юзинг кесилади. Ўттиз-қирқ чолги қорамолнинг мўлагани эшитилди. Эсангелдининг кўнглида умид чирроғи ёнди. Пода ичида гомвиш йўқ экан. Эҳтимол, ичкаридадир? Сезгирилиги иш берди. Нигоҳи уч-тўрт йилтирилган кўзларга қадалди. Булар қамиш ичига ин қурган шоқоллар. Ов қилиб жон сақлайди. Дарҳол сўйилни қўлга олди. Йиртқични уришга шайланди. У жойидан жилиши билан шоқоллар тиш қайраб кела бошлади. Тракторчи калтақда бир шоқолни қарсиллатиб солди. Орқадан учтаси келиб пўстинидан тишлади. У гир айлини уларни яқинига йўлатмади. Йиртқичлар келишиб олгандек гоҳ ўнг, гоҳ сўл томондан жуфт-жуфт бўлиб унга отиларди. Тўдадан эсон-омон чиқиси гумон. Бўш келмади. Қалтак сермади. Иккита шоқолни уриб ер тишлади. Йиртқичлар газабга минди. Қалин, зич қамишзор ичида жунлари тиккайиб, ириллаб, инсон билан юзма-юз бўлиб турган шоқол галаси ҳадеганда чекинишни хаёлига ҳам келтирмасди. Тракторчи ёмон аҳволга тушганди. Йиртқичлар бурда-бурда қилиб ташлашига бир баҳя қолди. Увиллаши беўхшов чиқиб, думининг учи тинмай лиқилларди. Агар пода етиб келмаганда ҳолига маймулар йиғларди. Бўриб талвасига тушган моллар шоқолни зўр бериб зумоқчи бўларди. Йиртқичлар тумтарайиқ қочдилар. Улар изидан пода қувиб кетди.

Ботир, кўрқмас моллар подаси Эсангелди тракторчини шоқоллардан сабр-матонат билан қуриқлаб, ажал тахликасидан асраб қолди. Ажабтовур ҳолат. Шоқоллар қочиб кета туриб ҳам орқасига тисланиб, ириллаб, одамни нимтанита қилиб ташлаш шаштидан қайтмасдилар. Фақатгина моллар оёқлари остида қолди ҳалок бўлишни истамасдилар.

Эсангелдининг пешонасида совуқ тер яттилади. Қўлда ёқут қамар жилва қилади. Шунда у руҳи енгиллашганини сезди, юзида табассум уйна бошлади. Бу пайтада осмонда ғуж-ғуж юлдузлар чарақлаб ётарди. Содир бўлган воқеани эслаб тишлари ғижрилади. Табиат қизиқ. Баъзида қийин ҳолатда жонивор инсонга қўмакка келади. Айдарқўл бўйидаги Дўнгалга овулида истиқомат қиладиган Эсангелди фермернинг жонини моллар сақлаб қолди. Чиндан ҳам ўша кунни моллар ўзлари аниқлаган, истаган ҳолда инсонга яхшилик қилиб қўйган эдилар. Эсангелди ога бу яхшилиги учун подани нима билан хурсанд қилишни, кўнглини олишни билмай қисинарди. Ўзига ҳеч панд бермаган моллар учун хайрли амал қилишни дилига тугди.

ФЕСТИВАЛЬ

# КЎХНА ХИВА "ЛАЗГИ" ИХЛОСМАНДАРИГА МЕЗБОН БЎЛДИ

Жорий йилнинг 25–30 апрель кунлари Хоразмнинг Хива шаҳрида "Лазги" II халқаро рақс фестивали бўлиб ўтди

Хоразм вилояти жорий йилда иккинчи бор мазкур фестивалга мезбонлик қилди. Халқаро фестивалга юртимизнинг тажрибали режиссёрлари, бастакорлар, санъаткорлар, таниқли раққосалар, ижодкорлар, малакали мутахассислар жалб этилди.

Дастлабки кун Урганч халқаро аэропортида дунёнинг турли мамлакатларидан келган иштирокчилар тантанали кутиб олинди.



Озодбек НАЗАРБЕКОВ,  
Ўзбекистон Республикаси маданият вазири:



— Мен Бразилиядан келдим, — дейди санъатшунос, профессор Бруна Висенте де Соуза. — Ўзбек ва Бразилия рақслари ўзининг қадимийлиги, шўх ва ўйноқли ҳаракатлари билан ўхшаш. Айниқса, Хоразм рақсидаги жанрлар жуда жозибador ва серҳаракатлилиги билан ажралиб туради. Хоразмни эса қадимий воҳа, маданият, санъат ва анъаналар маркази деб биламан. Ушбу ўлкага олдин ҳам келганман. Олийгоҳлардаги мусиқа ва санъат йўналишидаги таълим жараёни билан танишганман. Бизни ҳар сафар мана шундай иззат-икром билан кутиб олишади.

Хива шаҳридаги "Фаровон" меҳмонхонасида хорижий ва маҳаллий рақс санъати усталари, мусиқашунос ва санъатшунос олимлар, таниқли санъаткорлар ва фахрий меҳмонлар иштирокида "Хоразм "Лазги" рақси: Маданий дипломатияни ривожлантиришнинг илмий-назарий, маънавий-маърифий тамойиллари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди. Унда Буюк Британия, Франция, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Беларусь, Россия, Туркия, Қирғизистон, Сербия, Бразилия, Корея, Япония, Испания, Миср, Грузия, Ҳиндистон, Украина, Болгария, Қатар, Озарбайжон ва Ўзбекистон давлатлари офлайн ҳамда АҚШ, Австрия, Иордания, Мексика, Гана, Россия, Македония, Эрон, Хитой, Покистон ва Италия давлатларидан онлайн тартибда иштирокчилар қатнашдилар.

Конференция давомида Халқаро Туркий Маданият ташкилоти — "TURKSOY" Бош котиби Султан Раев томонидан ўзбек миллий рақс санъатига узоқ йиллар хизмат қилган ва халқимиз эътирофига сазовор бўлган фидойи устозлар Гавҳар Матёкубова, Зиёда Мадраҳимова, Қарима Узоқоваларга "TURKSOY" кўкрак нишони топширилди.

Конференция давомида Халқаро Туркий Маданият ташкилоти — "TURKSOY" Бош котиби Султан Раев томонидан ўзбек миллий рақс санъатига узоқ йиллар хизмат қилган ва халқимиз эътирофига сазовор бўлган фидойи устозлар Гавҳар Матёкубова, Зиёда Мадраҳимова, Қарима Узоқоваларга "TURKSOY" кўкрак нишони топширилди.



Бу воҳада қадимдан ҳаётнинг гуллаб-яшнагани хориждан келган ҳар бир кишини ҳайратга солади.

Маргарет ДЕЧЕНАУХ,  
Франция халқаро жаҳон мусиқа ва рақс институти директори ва асосчиси:



— Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг мусиқа ва рақс маданиятини хорижий мамлакатларда намойиш этиш ёки мамлакатингизга ташриф буюрган хорижий меҳмонларга юртингизнинг мусиқа ва рақсини кўрсатишда доимий равишда фойдаланиладиган "ташриф қоғоз"ларингиз борки, уларнинг ичида биринчилардан бўлиб "Лазги" мусиқаси, кўшиги ва рақси туради десам адашмайман.

"Лазги" халқаро рақс фестивалининг тантанали очилиш маросими "Ичан қалъа"нинг Карвонсарой дарвозасида бўлиб ўтди. Унда фестиваль қатнашчиларидан ташқари давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, хорижий сайёҳлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Тарихий майдон узра турли давлатлар байроқлари ҳилпиради. Сунгра очилиш маросимининг бадий қисми бошланди. Унда турли мил-



лат ва халқларнинг ўзига хос куй ва кўшиқлари янгради. Жозибador рақслари ижро қилинди. Фестиваль доирасида рақс танлови ўтказилиб, унда хорижий ва маҳаллий иштирокчилар ижодий беллашди. Иштирокчилар чиқишларини баҳолаб бориш бўйича халқаро ҳакамлар ҳайъати таркиби шакллантирилган бўлиб, унда 5 та (Франция, Миср, Бразилия, Корея, Қозоғистон) хорижий давлатдан ҳамда Ўзбекистон (2 нафар) дан ҳакамлик қилишди. Шунингдек, II "Лазги" халқаро рақс фестивали доирасида хорижлик мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари, ижодий учрашув ва маҳорат дарслари, концерт томошалари ва "Хоразм лазги рақси" санъатига оид кўргазмалар ташкил этилди.

сининг "Лазги" ашула ва рақс ансамбли — "Энг яхши жамоавий рақс" ижроси; Туркиянинг "Инегуль" халқ рақслари ансамбли — "Энг яхши саҳналаштирилган рақс" номинациясини қўлга киритди.

**2-ўрин совриндорлари:** Корея Республикасидан Алам Хан ҳамда Корея Миллий рақс гуруҳи — "Энг яхши яккахон рақс" ижроси; Россия Федерацияси Бошқирдистон Республикаси Файзи Гаскаров номидаги Давлат академик халқ рақс ансамбли ҳамда Тожикистон Республикасида хизмат кўрсатган "Лола" рақс ансамбли — "Энг яхши жамоавий рақс" ижроси; Қирғизистон Республикаси "Шаттик" халқ рақс ансамбли — "Энг яхши саҳналаштирилган рақс" номинациясига лойиқ кўрилди;

**1-ўрин соҳиблари:** Ўзбекистон давлат филармониясининг "Шодлик" ашула ва рақс ансамбли балет артисти Исроҳон Хайдаров — "Энг яхши яккахон рақс" ижроси; Озарбайжон давлат филармонияси Давлат рақс ансамбли ҳамда Қозоғистоннинг "Казина" халқ рақс ансамбли — "Энг яхши жамоавий рақс" ижроси; Россия Федерацияси Давлат филармониясининг "Огоньки" рус рақси ансамбли — "Энг яхши саҳналаштирилган рақс" номинациясини соҳиб бўлди.

Энг олий мукофот — "Гран-При" Ўзбекистон давлат филармониясининг Хоразм вилояти бўлинимасига насиб этди.

**Маълумот ўрнида:** "Гран-При" мукофоти — 7 000 АҚШ доллари ташкил этади. 1-2-3-ўринларни қўлга киритганлар мос равишда ҳар бир йўналишда 3 та номинация: "Энг яхши яккахон рақс" ижроси; "Энг яхши жамоавий рақс" ижроси; "Энг яхши саҳналаштирилган рақс" номинацияси бўйича 5 000, 3 000, 2 000 АҚШ доллари миқдорига мукофотланади.

Шундан сўнг ёпилиш маросимининг бадий қисми бошланди. Унда турли миллат ва халқларнинг ўзига хос куй ва кўшиқлари янгради. Жозибador рақслари ижро қилинди. Таниқли хонанда ва раққосалар томонидан ижро этилган "Лазги" кўшиги йилгиланларни рақсга чорлади. Мухтасар айтганда, фестивалнинг ёпилиш маросими ҳам чин маънодаги мусиқа ва санъат байрамига айланиб кетди.

Исроҳон АСИЛБЕКОВ,  
"Hurriyat" муҳбири.  
Тошкент — Хива — Тошкент

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

## Оилалар тинч бўлиши учун...

Сўнгги йилларда "Келин қайнонаси билан жанжаллашиб, уйга кетиб қолди", "Фалончининг келини қайнонасини қўшниларга ёмонлабди", "Пистончининг келини қайнонасининг зулмига чидай олмай ўзини осиб қўйибди", деган хабарларга дуч келямиз. Бу муаммо жамиятимизнинг оғриқли нуқтасига айланиб улгурди.

Муаммонинг асл илдизи нимада? Ҳар бир оилادا киз фарзанд воёга етар экан, келажақда у ўзга оилага келин бўлишини ўйлашимиз керак. Бўлажак келинларга аксариятимиз нотўғри тарбия бериб қўймоқдамиз. Натижада кўпгина келинлар қайнонани ўзига рақиб сифатида кўради. Киз боланинг тарбиясида баъзи оналар, бувилар ўзлари билмаган ҳолда: "Бу аҳволда қайнонандан гап эшитиб ўлиб кетасан", "Шошмай тур, турмушга чиқсанг, менинг қадрига етасан", "Қайнона кунингни кўрсатади", деб қизларимиз онгиди қайнонага нисбатан салбий тушунча ҳосил қилади. Айрим оналар: "Қизимга шундай гапирсанг, айтганимни қилади", деб ўйлашади. Ваҳоланки, уйни озода тутишни, таом тайёрлашни чиройли гаплар билан ҳам тушунтирсан бўлади: "Мазали овқат пийирсанг, ҳамма сени дуо қилади. Борган хонадонингда бизга раҳмат эшиттирасан.



Ҳали сен энг озода, ораста келин бўласан. Ҳамма сени ҳурмат қилади", каби.

Шуни ҳам айтиб ўтишимиз кераки, бугунги кунда сериал ва киноларимизда ёмон, золим, ўғлини келинидан рашк қиладиган қайноналар образи кўп тасвирланмоқда. Бундай фильмларни кўрган

қизлар: "Ҳаётда шунақа бўлар экан-да, менга шундай қайнона учраб қолса-чи?" деган хавотирда қайнона билан бирга яшайдан қўришади. Беш кўл бирдек бўлмаганидек, ҳамма яхши ёмон бўлавермайди. Келиндан кўнгли тўлмай-диган, кун бермайдиган, ўғлига ёмонлай-

диган қайноналар ҳам ёки бунинг акси бўлган келинларимиз ҳам бор. Бироқ азалдан момоларимиз келинлари янги хонадонга ўргангуларича қўллаб-қувватлаб, уй юмушларини ҳам сабр билан ўргатиб келишган. Бугун ҳам бундай қайноналаримиз бисёр.

Бугун юртимизда қизларимиз учун келинликка тайёрлов курслари мавжуд. Аммо қайноналар мактаби ёки курслари деярли йўқ ҳисоби. Ҳар бир туманда, маҳаллаларимизда қайноналар мактаблари ташкил этилса, яъни бўлажак қайноналаримизга "уй юмушларини келинларга қандай тушунтириш керак, келинга муносабатда қандай йўл туттиш лозим" каби масалалар ўргатилса, яхши бўларди.

Ҳозирги кунда ҳар бир қайнона ёки келин билимли бўлса, бир-бирининг айбини яшириб, яхшисини ошириб яшаса, ўша хонадонда барака бўлади. Оила ҳам аҳил бўлади. Бундай хонадонда воёга етган фарзандлардан жамиятимиз ҳам наф кўради. Қолаверса, тинч ва фаровон оилаларнинг кўпайиши ўз навбатида ажримлар сонининг ҳам камайишига замин яратарди.

Мадина ЭШҚЎЗНЕВА,  
"Янги Сирдарё" газетаси муҳбири.

РАССОМ ХАНДАСИ



Сизнинг қурилишларингизга бошқа бўш жой топиб беролмайман, ҳоким бобо...

Ҳусан СОДИҚОВ чизган карикатура.